

Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazetasi_bot

6

Усмирлар ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка доир кўрсаткичлар шундан далолат берадики, улар ўртасида ўғирлик ҳолатлари кўпроқ қайд этилмоқда. Бунга сабаб нима? Ҳали мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиб улгурмаган фарзандларимиз нега бировнинг молига кўз олайтирмоқда? Нега уларнинг нафси виждонидан устун келаяпти? Бу саволларга жавоб топиш учун мана шундай жиноятга қўл урган ёшлар ҳаётини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

XATODAN JINOYATGACHA BIR QADAM



FARZAND

tarbiyasiga kim mas'ul?

Кейинги пайтларда фарзандларимизнинг тарбиясидаги камчиликлар хусусида асосан оналарни айбдор санаш одат тусига кирди. Айримлар гап фақат оналарда эмас, оталар ҳам фарзанд тарбиясида баб-баробар шерик бўлиши зарур дейишади. Аслида кундалик ҳаётимизда қандай? Кузатувларимизни сизлар билан ҳам баҳам кўришни жоиз деб топдик.

9

Oqdaryolik shifokorning “dardlari”



Коронавирусга чалинган оқдарёлик шифокор ўзининг ушбу вирусга чалингани ҳақида гумонлари борлигини айтди. Хўш, ҳаммаси қандай бошланганди? Шифокор коронавирусга чалинганлиги ҳақидаги хабарлар чиқиб кетгач, аҳолининг унга муносабати кескин ўзгаргани ва у руҳан босимга учрагани ҳақида гапириб берди.

7



Bilimdon va jasur bolalarni tarbiyalaylik

Болага гўдаклигидан китоб ўқиб бериб шеър ёдлатилмаса, боғча ва мактабда бу жараён узвий давом этмаса, олий ўқув юртида энг алломаси ҳам уни гўзал адабиёт оламига, нафосатга, маънавият ва тафаккурга ошно қилолмайди. Анвар Обиджон ўзбек болалар адабиётига бутунлай янги раҳ ва оҳанг олиб кирди. Тўғри,

болалар шеърятининг тили катталар адабиётидан фарқлироқ, содда, раван ва уиноқроқ бўлиши керак. Лекин уни жўнлаштириб, сунъий равишда содда-лаштириш мумкин эмас. Анвар Обиджонгача булган ўзбек болалар адабиётининг фожиаси шунда.

12



ЕНТИЙОЖМАНД ОИЛАЛАРГА ҲАМ ҲАМДА ҲАМДА КЎРСАТИЛАДИ

Бугунги мураккаб даврда барча давлатлар қатори юртимиз аҳолиси ҳам оғир синовли кунларни бошидан ўтказмоқда. Дунё яна бир катта глобал муаммо олдида ожиз қолмоқда. Айтиш лозим бўлса, бу кўринмас душман инсониятнинг яқдил ҳаракат қилиши, бир мақсад йўлида жипслашишига туртки бермоқда.

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда коронавирусга чалинган илк бемор қайд қилинган кундан ошуб касаллик хавфи оқилона баҳолашиб, унинг кенг қулоч ёйишига қарши зудлик билан қатъий чоралар кўрилди. Шу боисдан мамлакатимиз ишлаб чиқариш саноати ҳамда истеъмол ҳажмлари кескин қисқариб кетишининг олди олинди, юртимиз тадбиркорлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашига эришилди, энг муҳими, одамларимизнинг даромади кескин пасайиб кетишига қарши чоралар ишлаб чиқилди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, карантин эълон қилинган кундан бошлаб эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилиб, ишсиз, даромадсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак кўрсатиш тартиби жорий этилди.

Ўтган давр мобайнида ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг оқилона йўли сифатида мазкур марказларнинг ташкил этилиши самарали бўлганлигини вақтнинг ўзи кўрсатиб берди. Шунингдек, юрдошларимизнинг миннатдорчилик сўзлари бу борадаги ишларимиз тизимли ҳамда аниқ режа асосида олиб борилганлигини аниқлаб турибди. Айниқса, фуқароларнинг мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан бирдек мурожаат қилишларини таъминлаш мақсадида Марказнинг барча ҳудудий филиаллари қошида "Call-centre" нинг ягона 1197 қисқа рақами иш олиб борганлиги фаолият самарадорлигини оширмоқда.

Марказнинг асосий вазифалари сифатида, жисмоний ва юридик шахслар томонидан ҳоимийлик асосида тақдим этилган фақатгина озиқ-овқат, тиббий буюмлар ва бошқа зарур маҳсулотларни қабул қилиш ҳамда уларни санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда муҳтож оилаларга етказиш белгиланди.

Ҳоимийлик хайрияларни мувофиқлаштириш марказлари 20 май куни ўз фаолиятини тугатиши муносабати билан қолган хайрия маҳсулотларини эҳтиёжманд оилаларга етказиб бериш мазкур Марказларнинг мантиқий давоми сифатида ташкил этилган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Ҳоимий ташкилотлар ва фуқароларнинг хайрия пул маблағлари эса Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг республика бошқаруви ҳамда ҳудудий бўлинмалари ҳузурида ташкил этилган "Саховат ва кўмак" жамғармаси орқали қабул қилиниши ҳамда ўрнатилган тартибда сарфланиши белгиланди.

Юрдошларимиз, кенг жамоатчилик билиши керак бўлган яна бир муҳим масала – Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Васийлик Кенгазининг 2020 йил 25 майдаги 4-сон баёни билан тасдиқланган "Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Устави"да Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат фонди бўлган нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида белги-

лаб қўйилган.

Яъни "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тизимидан алоҳида фаолият юритувчи мустақил тузилмадир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди "Саховат ва кўмак" жамғармаси фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигидан мустақил ҳолда олиб бораётга-



Раҳмат Маматов, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ни ҳамда Жамғармага келиб тушган хайрия маблағларини ўрнатилган тартибда сарфланишига ягона масъул ташкилот эканлигини маълум қиламан.

Олдимиздаги синовли кунлар давомида эътибор бермадик ёки уни турли йўللار билан четлаб ўтишга уриндик. Ҳатто айрим фуқароларимиз тиббий ниқоб тақиб юришни ҳам тўхтатиб қўйишди. Ёки тўй-маъракалар ўтказиш, уларда қатнашиш, жамоат ва бошқа турдаги транспорт воситаларидан фойдаланишда, ошхоналар ва ижтимоий объектларга ташрифларда карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилинмади.

Натижаси эса барчамизга бирдек аён. Бугун касалланиш ҳолати яна қайта авж олди. Энг ачинарлиси, бунинг оқибатида коронавирус касаллигидан вафот этган юрдошларимиз сони кун сайин, соат сайин ортиб бормоқда. Бизнинг вазиятни тўғри

баҳолай олмай, ўзимизга ўзимиз эркинлик бериб юборишимиз, карантин қоидаларига худдики бошқалар учун амал қилишимиз шартдек муносабатда бўлганимиз бугун ўзининг аччиқ меваларини бермоқда.

Айни дам қарорда белгиланган ижтимоий ҳаётимиз учун зарур жиҳатлар, аниқроқ айтганда, эҳтиёжманд оилалар ҳамда карантин қоидаларининг қатъийлаштириш ординда мураккаб вазиятга тушиб қолган ватандошларимизга кўмак ёрдамлари берилди.

Тажрибадан бизга маълум бўлган ҳоимийлик, хайрияларни мувофиқлаштириш ва волонтерлик марказларининг фаолияти республикамизнинг барча ҳудудларида бирдек яна қайта йўлга қўйилади. Яъни ҳоимийлик кўрсатиш истагидаги ташкилот ва фуқароларнинг хайрия

оилалар;

чин етимлар, бола тарбияси билан қариндошлари шугулланаётган оилалар;

ота-оналаридан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногирон бўлган оилалар;

14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болаларни тарбиялаётган, бошқа қариндошларидан алоҳида яшаётган бева аёллар (бева эрлар);

ота-оналаридан бири ёки ҳар иккиси ҳам ишсиз бўлган ва иш изловчи сифатида бандликка кўмаклашиш марказларида ҳисобда турган оилалар;

меҳнатга лаёқатли аъзолари бўлган, бироқ ҳеч қачонда ишламайдиган ёки пандемия туфайли даромадидан вақтинча маҳрум бўлган, массумий ишчи, уста, мардикор, сартарош, чет элда ишни йўқотиб, ҳозирда даромадсиз қолган фуқаролар каби зарур ёрдамга муҳтож оилалар киритилади.

Бу эҳтиёжманд аҳоли қатлам вакиллари юқорида келтирилган баён қароридан ўз аксини топган. Шу билан биргаликда вазиятдан келиб чиққан ҳолда аҳолининг бошқа тоифаларига ҳам ижтимоий ёрдам кўрсатишга эътибор қаратилиши назарда тутилган.

Иккинчи босқич тартиби ҳозирда амалиётда давом этиб келаётган "Саховат ва кўмак" ҳаракати фаолияти билан боғлиқ. Бунда эҳтиёжманд оилаларга Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг қарорларига мувофиқ, "Маҳалла" фонди ва "Саховат ва кўмак" жамғармаларидан зарур маблағлар ажратилади.

Учинчи босқичда жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги ҳоимийлик, хайрияларни мувофиқлаштириш ва волонтерлик марказлари билан биргаликда манзилли рўйхат асосида зарур озиқ-овқат ва дори-дармон маҳсулотларидан иборат моддий кўмак ёрдамларини шакллантиради.

Бунда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан юқорида келтирилган ўтилган мезонлар асосида шакллантирилган 101 980 нафар эҳтиёжманд оилалар рўйхати асос сифатида қабул қилинади.

Тўртинчи ва энг муҳим босқичда вазирлик маҳаллий ҳокимлик ва Ёшлар агентлиги билан биргаликда тўпланган мазкур моддий кўмак юқори манзилли рўйхат асосида аҳоли хонадонларига етказилишини таъминлайди. Бунда, албатта, барча зарурий эҳтиёт чоралари қўлланилади, шунингдек, санитар-гигиена қоидаларига тўлиқ риоя этилади ҳамда маҳсулотларга дезинфекцион ишлов берилди.

Шунингдек, хайрия маҳсулотларини етказиб бериш билан шугулланадиган ходимлар ва волонтерлар ҳимоя воситалари – тиббий комбинезон, тиббий ниқоб ва қўлқоплар билан тўлиқ таъминланади.

Шу ўринда барча фуқароларни қизиқтирувчи яна бир маълумот. Яъни, жойларда шакллантирилган рўйхатларда мавжуд бўлмаган, аммо зарур озиқ-овқат ва дори-дармонга муҳтож бўлган фуқаролар 1197 қисқа рақамли телефон тармоғига мурожаат қилишлари ҳамда ўз эҳтиёжларини баён этишлари мумкин.

Шунингдек, фуқароларимиз ижтимоий ёрдам хусусида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 71-201-55-21 телефон рақамига ҳам кўнгироқ қилиб, ўз мурожаатларини қолдиришларини сўраймиз.

Саҳифани Бектош ИСМОИЛОВ тайёрлади.

“NAMANGAN XALQI YAXSHI YASHASHGA MUNOSIB”

Prezidentimizning bu e'tirofi har bir namanganlik qalbiga g'urur bag'ishlaydi

Prezidentimizning shu yil 26-27 iyun kunlari viloyatimizga qilgan tashrifi davomida xalqimiz manfaatini kuzlab amalga oshirilaётган ислохотларнинг амалий натижалари Наманган мисолида яққол намоён бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Поп туманидан бошланган ташриф давомида давлатимиз раҳбари дастлаб 1 минг 885 гектар ўзлаштирилмаган ерда ташкил этилган “Нуран уз” мева-сабзавотчилик кластери фаолияти билан танишди, шу ерда нурунийлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари билан суҳбатлашди. Мутасаддиларга вилоятдаги туманларни муайян қишлоқ хўжалик экинларига ихтисослаштириш, Косонсой, Чортоқ, Янгикўрғон туманларини боғдорчиликка йўналтириш юзасидан топшириқлар берди.

Чортоқ тумани “Баланд адир” маҳалласи ҳудудидаги иссиқхоналар мажмуасини барпо этиш лойиҳаси билан танишган Президентимиз бу саяёҳаракатларни ҳам ижобий баҳолади. Таъкидлаш ўринлики, бу ерда кам таъминланган оилалар учун ҳар бири 2 сотихли 1000 та иссиқхона ташкил этилмоқда. Ҳозирги кунда йилига 7 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириш имконини берадиган 800 та иссиқхона қуриб эгаларига топширилди.

Учкўрғон тумани Норин дарёси бўйида жойлашган ноёб балиқ туларини ишлаб чиқариш корхонаси – “DB Group Eco” фаолияти билан танишган давлатимиз раҳбари шу ернинг ўзида вилоятда қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар тақдими билан ҳам танишди. Асаларчиликни ривожлантириш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш, Наманган шаҳрида 10 минг тонна асал тайёрлаш ва қадоқлаш мажмуасини ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди.

Наманган шаҳридаги «Юксалиш» кичик саноат зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар, жумладан, «Flat Tile» масулияти чекланган жамиятнинг кафел-керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси, «Zamin

kiyim sanoat» корхонасининг қиймати 24 миллиард сўмга тенг лойиҳаси, вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш салоҳияти, шунингдек, ҳудудда 2020-2021 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, камбағалликни қисқартириш борасида амалга ошириладиган ишлар, ўзини ўзи банд қилишни назарда тутган тақдиротлар намоёиш қилинди.

– Бу кечаги Наманган эмас. Жуда қисқа фурсат ичида 55 минг иш ўрни яратиш, 13 триллион сўмлик лойиҳалар ишлаб чиқиш – ушбу ҳудуд тарихида мисли кўрилмаган ўзгаришлар олиб келиши аниқ, – деди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, ташриф давомида Наманган шаҳрида «Обод ва хавфсиз маҳалла» концепцияси тақдими таъкидланди. Мазкур дастур Наманган шаҳрининг онлайн режимда ишлайдиган бош харитаси ҳисобланади. Дастурга шахар бўйича 6 мингта камера уланади.

Президентимиз иштирокидаги вилоят ва туман ҳокимлари, соҳа ва тармоқлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари билан бўлиб ўтган йиғилишда Наманган вилоятида камбағалликни қисқартириш, таълим муассасалари битирувчиларини касб-ҳунарга қамраб олиш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш бўйича ҳозирги аҳвол пухта таҳлил қилиниб, амалга ошириладиган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда вилоятда ўсиш нуқталарини аниқлаш ва ишга солиш, шу орқали аҳоли фаровонлигини ошириш олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Президент бу борада вилоятда ташкил этилиши зарур бўлган ишларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, саноат, кичик ва ўрта биз-



нес, ҳунармандчилик, хизмат кўрсатиш соҳалари вилоят иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли даромадларини оширишнинг энг муҳим драйверлари бўла олади. Ушбу соҳалар бўйича Наманганда катта тажриба бор. Шунга мувофиқ, вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш орқали муҳтож оилаларни 12 мингдан ортиқ ишсиз аъзоларини банд қилиш ва йил охирига қадар камбағал оилалар сафидан чиқариш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари туман ва шаҳарлар кесимида вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва ушбу лойиҳалар учун 80 миллиард сўм маблағ ажратилишини қайд этди. Ушбу маблағга қўшимча равишда яна 100 миллиард сўм ажратилади. Карантин шароитида тушуми камайган тадбиркорларни айланма маблағ билан таъминлашга 2,3 триллион сўм, жорий йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга 350 миллиард сўм кредитлар йўналтирилади. Вилоятда заргарлик саноатини ривожлантириш, Наманган шаҳрида 2 йилда 4 мингта янги иш ўрни яратилган замонавий заргарлик маркази ташкил этиш, бу ерда “устоз - шогирд” тамойили асосида ишсиз юрган ёшларни ҳунармандчиликка жалб

қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Бугунги кунда Европадаги машҳур брендлар Наманганнинг костюм-шимларини тан олмақда. Шу боис, йирик тўқимачилик корхоналарига ер ажратилиб, вилоятда пахтани чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтилмоқда.

Президент пахта-тўқимачилик кластерлари ушбу эътиборга муносиб ҳаракат қилиши, кўпроқ даромад олиб, одамларни иш билан таъминлаши зарурлигини таъкидлади. Вилоятда куёнчилик, асаларчилик, чорвачилик, паррандачилик бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш белгиланди. Хусусан, Наманган туманида 4806 та хонадонда иссиқхоналар ташкил этиш, йил охиригача чорвачилик йўналишида қиймати 386 миллиард сўм бўлган 84 та лойиҳани амалга оширишни яқунлаш топширилди. Бунда четдан 13 минг бош насли қорамол, 13 минг бош жун йўналишидаги эчки ва шунча кўй олиб келиниб, Поп ва Чуст туманларидаги хонадонларга тарқатилади. Йиллик қуввати 10 минг тонна сут ва минг тонна гўшти қайта ишлаш бўйича янги қувватлар ишга туширилади.

Аҳмадҷон АЛОХОДЖАЕВ,
Халқ депутатлари вилоят
Кенгаши депутати.

СИФАТЛИ УРУҒ – КАТТА ХИРМОН РОҶДЕВОРИ

Бугун ҳар қарич ердан, айниқса, томорқадан унумли фойдаланиш давр талабига айланди. Агар омилкорлик билан фойдаланилса, бир парча ер ҳам чоғроқ рўзғорнинг қорига яраётгани ҳам бор гап. Қуйида томорқасида деҳқончилик қилаётганларга асқотадиган маслаҳатлар беришга жазм қилдик.

Яхши ҳосил оламан, деган деҳқон уруғ танлашда адашмаслиги, уни омилкорлик билан экишга тайёрлаш лозим. Йирик, тўла вазни, яхши пишган уруғларни танлаб олгач, сув ёки тузли эритма ёрдамида саралаб олинади. Бунинг учун, масалан сувга сабзи, лавлаги, пиёз ёки бодринг уруғларини солиб яхшилаб аралаштирилади. 2-5 дақиқа ўтгач юзага чиқиб қолган пуч уруғлар ташлаб юборилади. Тубига чўкиб қолган уруғларни эса 40 даражадан ортиқ бўлмаган ҳароратда тинимсиз аралаштириб қурилади. Уруғ яхши қуригачгина экишга тайёр бўлади. Помидор ва редиска уруғларини ажратиб учун эса ош тузи ёки калийи селитранинг уч ёки беш фоизли эритмасидан фойдаланиш, сўнгра уларни сув билан ювиб юбориш лозим.



Кўплаб бактериал, замбуруғли ва вирусли касалликлар кўзгатувчиларини баргараф қилиш учун уруғларни дориллаш керак бўлади.

Масалан калий парманганати (марганцовка) нинг шиша ёки сирли идишга қўйилган 1 фоизли эритмасида помидор уруғларини 20 дақиқа мобайнида ушлаб турилади. Бундай ишлов нафақат вирусларни йўқотади, балки уруғларни керакли микроэлементлар билан ҳам бойитади. Кейин бир неча бор сувни алмаштириб уруғни ювиб ташлаш зарур.

Карам уруғларини 20 дақиқага 40 даражача қиздирилган сувда ушлаб туриб, сўнг совуқ сувга солинади. Шу билан ўсимлик замбуруғли касалликлардан фориғ бўлади. Тезроқ униб чиқиши учун эса шивит, лавлаги, карам уруғларини олдиндан ивитиби қўйиш лозим.

Бунинг учун қалин докага тугилган уруғлар 20-25 даража иситилган сувга солиб қўйилади. Сувнинг микдори

уруғ вазни билан баробар бўлиши лозим. Дастлаб шу сувнинг ярми қуйилади, уруғ шимиб олгач, қолган ярмини қуйиш мумкин. Ҳар 1-2 соатда аралаштириб турилади. Сабзи, лавлаги, помидор, петрушка уруғлари 48 соат, бодринг, карам, тарвуз, редиска уруғлари 12 соат, пиёз 6-8 соат ивителиди. Агар ивителиган уруғни айрим сабабларга кўра вақтида экиш имкони бўлмай қолса, уни муз устига ёйиб қўйиш билан унишини тўхтатиб туриш мумкин.

Ниҳоллар эрта ўсиб чиқиши учун ундирилган ниҳолни экан маъқул. Фақат уруғ нишлари, экин қолмаслиги учун, ниҳол катта бўлмаслиги керак. Уруғларга микроэлементлар билан ишлов бериш кейинчалик уни тупроққа солгандан самаралироқдир. Бунинг учун 18-20 даражали сувга микроэлементларни аралаштириб, сўнг уруғларни ушбу эритмага солиб, 12-24 соат ушлаб турилади. Кейин қурилади. Ушбу услубларнинг комплекс тарзда бажарилиши – ниҳолларнинг текис униб чиқиши ва мўл ҳосил олинишини таъминлайди.

Ўғилой НИШОНОВА,
Бешариқ туманидаги
11-мактабнинг
биология фани ўқитувчиси.

QO‘G‘IRCHOQ...

Бир қизалоқнинг кичик ҳикоясини тингладим. Кўзларида шундай маъюслик зоҳир эдики, беихтиёр юрагингиз ларзага келарди. Болалик туйғуси сўнгандек гўё... Унинг гапларига қулоқ солар эканман, сўзларидаги равонлик сусайиши, ниманидир тушунтириб беришга ҳаракат қилмоқчи бўлади-ю аммо гапларини йўқотиб қўйиши, лабларидаги титроқ, билинтирмасликка ҳаракат қилинаётган ҳаяжон, мунчоқдек кўзларидан тушаётган олмосдек бежирим жилолар... мени еттинчи осмондан пастга тушишга мажбур қилди. Гапларидан таъсирланиб унинг ҳикоясини қозоғга туширдим.

"Икки йил олдин онам оплоқ қапа-лакка айланиб учиб кетдилар. Уларни йўқотиб қўйганимдан гангиб қолдим. Худдики ташлаб кетилган қўғирчоқ каби. Улар билан ўтган ҳар бир сония хотирамда муҳрланиб қолган..."

Вафотларидан сўнг бобомларнинг уйларига кўчиб келдик. Уч фарзандмиз. Опам, мен ва укам. Бобом ва бувим жуда яхши инсонлар. Бобомнинг ишхонасига тез-тез бориб тураман. Бир гал борганимда бобомнинг Гўзал исмли шогирдлари келди. Яхшилаб танишиб олдим. Момиқ иплардан менга қўғирчоқ тўқиб келишга ваъда берди. Унинг қўғирчоқ совға қилишини анча вақт кутдим. Орадан йигирма кун ўтгач Гўзал опам ухлаётганимда уйимизга келибди. Айнан ўша кунни туғилган куним эди. Бувим, "Тур қўғирчоғинг келди!" дейиши билан ўрнимдан сакраб туриб қўғирчоққа отилдим. Уни қаттиқ бағримга босдим...



Ҳозир ўша қўғирчоқсиз ухлай олмайман. Қалбим у томон талпинаверади. Онаси борларга ҳавасим келади. Баъзиларидан эса жаҳлим чиқади. Уйда тўполонлар қилишади. Онажон менга ҳеч нима керак эмас. Фақат сизни соғиндим. Бағрингизга босишингизни, қизгинам деб сочларимни ўриб қўйишингизни жуда-жуда соғиндим. Биламан, сиз менга қараб туриш учун шу қўғирчоқни жўнатгансиз. Мен яхшиман онажон.

Тилни ножўя ишлатиш ҳалокатга, кўлни ножўя ишлатиш эса жиноятга йўлиқтиради деганларидек, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ҳам муҳим вазифа қилиб белгиланган. Чунки ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар умумий жиноятларнинг 25 фоизини ташкил этмоқда.

Йиқилиб тиззанг шилинганда малҳам қўйгувчи, тиззасига бошинг қўйиб йиғлаганимда болам деб бошинг ни силагувчи инсон экан. Мактабга чиққанимда болам ҳеч кимдан кам бўлмасин деб, пулдан қийналаётган бўлса ҳам бир амаллаб мактаб формасини олиб беради. Синфдошлари камситмасин деб қўлингга 3-4 сўм пул тутқазади. У сени ақли кираяпти деб ўйлайди, аммо сен янгидан-янги қилиқларни

Фақат бугун тушимга киринг...

Юрагимни ларзага солган қизалоқнинг гаплари анча вақтгача ёдимдан чиқмади. Ёш боланинг тилидан чиқаётган гаплари, қулоғимда ҳалигача жаранглаб турибди...

Онанинг қадри ўзгича бўлар экан. Истаган пайтингда эркаланасан, овунасан, энг муҳими сени олдинда қалб қалқонинг бўларкан. Кўчада болалар билан уришиб қолсанг "Ая мени урди..." деб уйга йўғлаб кирганимда, сени ҳимоя қилувчи ёхуд

кашф қилаётган бўласан... Талаба бўлганимда онангдан бахтли инсон бўлмайди. Қўшниларга мақтаниб чарчамайди. Аммо сен санокли дақиқаларга у билан бирга бўлишни, она пул беринг деган сўзни хотирангга сақлайсан. Борлигиндан ўзингни олиб қочадиган одат чиқарасан, ҳеч қаерга шошилмаётган бўлсанг ҳам, уйдан "ит қуваётгандек" ҳовлиқиб чиқиб кетасан, уйқинг келмасида эрта ётиб оласан, бегона қизлар ёки йигитларга ҳар байрамда қимматбахо совғалар олиб борасан, ҳар куни "Севаман, сенсиз яшай олмайман, сендан бошқа яқиним йўқ" дейсан. Гарчанд бу гапларни онанг эшитиб турсада жимгина сукут сақлаб қолаверарди.


...Ақлинг киргач онанг билан бўлган воқеани эслаб кўз ёш тўқасан. Афсуски, онанг бу дунёни тарк этган бўлади.

Эсингдами?! Пул сўраб жаҳл қилганимда кўшнидан қарз олиб қўлингга тутқазганди! Сен эса унга бир дона қўйлақни раво кўрмаганим... Энди унга латта-путта керак эмас! Болалигингда онангни этагидан кетмасдинг, тандир олдида қачон нон пишар экан деб кутардинг, қулчалар тайёр бўлиши билан кийимингни ичига солиб, кўчада ўртоқларинг билан баҳам кўрардинг. Сен-чи топганингни болаларинга бердинг, онангни бир бор йўқлашга вақт топмадинг. Онанг йўқлигида эмас, борлигида қадрлашинг керак эди. У сендан нон туз сўрагани йўқ эдику... Шунчаки меҳр кутганди ҳолос. Аза кунлари "она кетманг, сизсиз қандай яшайман", деб йўғлаганим. Тўғримми? Ишим юришсин, мошина олай,лар учун кўллаб зиёратгоҳларда бўлдинг. Айтчи, қачон онангни қабрига бординг?! Онанг тушинга кирса "Хотин исирик тутат, онам тушимга қирбди" дейсан. Ақлинг жойидами? Онанг тушинга кирса уни қабрига бориб хокларига тиз чўкмайсанми?

Аслида болажон қўлидаги қўғирчоқ уни овутувчи ҳаёлий тимсол эди. Нима бўлганда ҳам ўша овуноқ орқали унинг меҳрга ташна қалби ўксиклик нелигин билмай ўсади.

Нигора ОРИФЖОНОВА,
Сирдарё вилояти.

O‘YNAB GAPIRSANG HAM O‘YLAB GAPIR



Айримлар сўкиш ва қарғишни доимий сўзлашув одатига айлантириб юборишган. "Уйинг куйгур, кўзинг тешилгур, жувонмарг бўлгур" каби бадният сўзларни ку худди кириш сўзидек ҳар бир гапга тиқиштираверишади. Аммо ҳеч бир нарса изсиз кетмаганидек, айтилган ҳар сўкиш ва қарғиш сўзлари инсон жисмида ўз сувратини қолдиради.

Айтишларича, сўкиш ва қарғиш инсонни тириклай емирувчи офат экан. Урушлар, зилзилалар, сув тошқинлари, кўчки каби офатлар ҳам айнан инсонлар орасида салбий муносабатларнинг кучайиши натижасида вужудга келаркан. Мутахассислар тажриба ўтказиб кўришганида, ўсимликка йўналтирилган қарғиш, сўкиш қуввати қирқ минг рентген нурланишига тенг эканлиги маълум бўлган. Уларнинг таъкидлашича, ҳар қандай мавжудотга йўлланган сўкиш ва қарғиш унинг ирсий тузилмаларини бузади ва ҳалокатга маҳкум этади. Сўкиш ва қарғиш ўзига хос тўлқинсимон сунъий гени яратади ва у мўлжалланган организм ичига кириб, бузгунчилик фаолиятини бошлайди.

Буни қарангки, биз яратадиган тўлқинсимон генлар нафақат бировга, балки ўзимизга ҳам салбий таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун ҳам кексаларимиз қарғишдан худди ажалдан кўрқандек кўрқишган.

Эсимда раҳматли бувим ҳам доим "ширинсўз бўл, ширинхулқ бўл, ҳеч қачон бировнинг қарғишини ола кўрма. Қарғиш – бало, нариги дунёда ҳам нақд бўғзингдан олади" деб қулоғимизга қуярди. Ўзи эса то умрининг охирига қадар ҳаммамизни дуо қилиб ўтди. Шунданми, оиламиздагиларнинг барчаси бувим тилаганидек "бахтли-тахтли, ували-жували, топганини тўйларга совуриб" яшади.

Дона халқимизда "Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир" деган нақл бор. Бу бежизга айтилмаган. Ниятимизни ҳолис, сўзимизни пок тутайлик, шундагина ўзимизга ҳам, ўзгаларга ҳам эзгулик қилган бўлаемиз.

Ирода ОРИПОВА.

ЭЪЛОН

Сирдарё туманидаги 4 ўрта умумтаълим мактабидан 1992 йил Акимбаев Серикбай Есенбековичга берилган А 327749 серияли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

YOSHLARIMIZ NIMA UCHUN JINOYATGA QO'L URMOQDA?

Маърифатпарвар Абдулла Авлоний ёшлар тарбиясини "ҳаёт-мамот масаласи", деб таърифлаган эди. Зеро, тарбияси мўрт ёшлардан жамият, маҳалла ёки оила учун ҳеч қандай наф бўлмайди. Ёшларнинг жиноятга қўл уриши тарбияда йўл қўйилган хато ёки бефарқликнинг аччиқ инъикосидир.

Хўш, бугунги кун ёшлари нега жиноятга қўл уришмоқда? Уларнинг ота-онаси, таълим муассасаси, маҳалласи бундай ҳолатга нега бефарқ, лоқайд муносабатда бўлмоқда?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тарбия аввало, оиладан бошланади. Эскилар бежизга "Олмани тагига олма тушади", "Қуш индида кўрганини қилади" деб айтишмаган. Ота-она фарзандга тарбия беришдан аввал, биринчи галда ўзларини тарбия қилмоқликлари лозим. Фарзанд эса албатта, улардан андоза олади.

Замон шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда ота-оналари қанча вақтини фарзандлари учун сарф қилмоқдалар? Оиламиз учун моддий таъминотни яхшилаёмиз деб, елиб-югуриб фарзанд тарбиясидан анча йироқлаб кетмаялми? Кунда эмас, ҳафтада эмас ойда бир фарзандимиз маънавий қашшоқ бўлмаслиги учун унга китоб совға қила олялми? Бугунги кун ёшлари ҳар соҳада анча илдамлашиб бормоқда.

Оддий бир мисол, миллионларга энг сўнги румуддаги телефонни олиб берамиз-у уни тарбия қила оладиган, унга маънавий озуқа берадиган биргина китобга пулни қизғонамиз. Уларни назоратсиз қолдирмади. Энг ёмон иллат бефарқлик, лоқайдлик ва безътиборлик. Афсуски, бизда мана шу иллат натижасида ёшларимиз ўртасида бир қатор жиноятлар содир этилмоқда. Улар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг туб моҳияти нимага боғлиқ эканлигини мушоҳада қилиш мақсадига мутахассисларимизга murojaat қилдик.

БЕЪТИБОРЛИК, ЛОҚАЙЛИК ВА НАЗОРАТСИЗЛИК

Уч ўртоқ бир бўлиб, асалчининг машинасидан 3 литр асални ўғирлашди. Бамайлихотир уйларига олиб бориб, оналарининг қўлларига тутказишди. Она фарзандидан асални қаердан олганлигини сўради. Бола ўртоғи берганилини айтиди ва она ҳам бошқа суриштирмади. Қачонки, бу бўйича жиноят иши очилиб, ИИБ ходимлари болани сўроқлаб келиб, айбини исботлаб берганида она хато қилганини англаб этади. Аввалроқ фарзанди тақдирини ўйламаган ота-онанинг афсус-надоматлари энди кеч. Бундай бўлмаслиги учун ота-она тарбияга жиддий

қараши, жиноятга олиб келувчи омилларни ўз вақтида англаб, бартараф этиши зарур эди. Бу ҳолат бепарволик ва безътиборлик натижаси эканлигини кўрсатади. Афсуски, мана шу иллатлар туфайли бугунги кунда ёшлар томонидан жиноят содир этилиш ҳолатлари кўпайиб кутатилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган икки ойи давомида ёшлар ўртасида 7 та жиноят (2019 йил ҳолатига) қайд этилган бўлиб, шулардан 2 таси касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, 5 таси корхона-ташкilotларда ишлайдиган ёшлар томонидан содир этилган. Шулардан биттаси қотиллик, 2 таси ўғрилик, 1 таси гиёҳвандлик ва бошқа жиноятлар 3 тани ташкил этади. Буларнинг орасида ўз аёлига тан жароҳати етказиш, бошқарувида бўлган машина билан пиёдани уриб юбориб, унга тан жароҳати етказиш, бировнинг мулкига даҳл қилиш ҳолатлари ҳамда арзимаган телефон деб, бир инсоннинг умрига зомин бўлиш ҳолатлари кутатилган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, бу жиноятни амалга оширган ёшларнинг ота-онаси бу ҳолатга қандай баҳо беришмоқда? Улар минг афсусда, аммо кейинги пушаймондан не нафй?

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг асосий сабабларидан бири оиладаги носоглом муҳитдир. Шунинг учун ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясига алоҳида масъулият билан ёндашиши лозим. Ўсмирлик даврида энгил-епли, эмин-эркин ҳаётга ўрганган бола безорилик ва фирибгарликка мойил бўлади. Бу ўзбошимчаликнинг олди вақтида олинмас экан, улгайганида улар катта «иш»ларга ҳам қўл уриши аниқ.

Биласизми, қандай ёшлар жиноятни кўпроқ содир этишади? Олиб борилган кузатувлар натижасига кўра, бугунги кунда ота-онаси хо-рижга кетиб, фарзандларини акаси, укаси ёки синглиси ёхуд қўшнисига ташлаб кетаётганлар ёки ўз боласини нима иш билан банд эканлигини сўраб-суриштирмайдиган инсонларнинг фарзандлари ҳамда иш билан банд бўлмаган ёшларнинг кўпчилиги билиб-билмай жиноятга қўл уришмоқда. Бу

Мутахассислар ота-онанинг фарзанд ахлоқидаги салбий ўзгаришлар, унинг феъл-атвори, таълим-тарбиясига эътиборсиз бўлиши бола келажаги учун жиддий хавф туғдирувчи асосий омил эканини таъкидлайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жиноятга қўл ураётган болалар, асосан, нотинч ва носоглом оилаларда вояга етмоқда.

эса биз иллат деяётганимиз безътиборлик, лоқайдлик ва назоратсизлик. Маҳалла-кўй, ота-она ҳамда таълим муассасалари ҳамжиҳатликда иш олиб бориши керак, - дейди ИИБ инспектори, майор Гулназа Сабриева.

ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛСА, ЖИНОЯТЧИЛИК КАМАЯДИ

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилаётгани ачинарлидир. Бунда барчанинг, жумладан, бизнинг ҳам айбимиз бор. Ўқувчи-талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш, ёшлар бандлигини таъминлаш бу борада алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда "Ёшлар - келажагимиз" дастури доирасида 1861 нафар уюшмаган ишсиз ёшлар аниқланган. Улар билан турли суҳбатлар уюштириб, тадбиркорликка йўналтириш бўйича бир қатор тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, Кенгаш қошида очилган "каравин", англиз тили, рус тили, компью-

тер саводхонлиги, ошпазлик ва тикувчилик тўғрақларига ҳамда музлаткич ва кондиционер таъмири бўйича касбга йўналтириш марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Биз ёшларни иложи борица мана шу тўғрақларга қамраб олишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ота-она мажбурияти туфайли касб-ҳунар коллежларига ўқишга кирган ёшлар ҳамда меҳнат бозорини ўрганмай туриб, айрим соҳа бўйича касбга йўналтириш гуруҳлари битирувчилари ўртасида ишсиз ёшлар сони ортиб бормоқда. Бу эса биринчи навбатда боланинг қизиқишларидан келиб чиқиб ўқишга жойлаш ҳамда меҳнат бозорини ўрганиб, қайси соҳаларга кадрлар керак бўлса, айнан уша соҳалар учун касбий гуруҳларни шакллантириш лозимлигини кўрсатади.

ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯ - ЯХШИ ХУЛҚ ВА ЧИРОЙЛИ ОДОБ

Олмалик шаҳар "Рамазон" жомеъ масжиди бош имом-хатиби Хусниддин Ортиқов ҳам бугунги кун ёшлари ўртасида келиб чиқаётган жиноятчилик бўйича ўз фикрларини билдириш ўтди.

Ёшлар ўртасида турли жиноятларнинг содир этилишига бош сабаб боланинг оилавий муҳитидир. Фарзандни ёш-лигидан қандай тарбияласак, шундай вояга етади. Бунда, албатта, оила, маҳалла, жамиятдаги муҳит муҳим аҳамиятга эга. Ўзи, оиласи, халқи, маъна-

вий илдилари ҳақида етарли тушунчага эга бўлган бола жиноят кўчасига кирмайди. Бунга эришиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиши, бурчини сидқидилдан бажариши лозим. Ҳадисларда айтилишича, ота-онанинг фарзандга қолдирган энг катта бойлиги яхши хулқ ва чиройли одобдир. Шундай экан, оилада моддий ҳаётни биринчи ўринга қўймаслик даркор. Имом Бухорий ва имом Муслим раҳимахумаллоҳлар ҳазрат Абу Мусо Ашъарий розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда жаноб Расулulloху соллаллоху алайҳи ва саллам:

... "Солиҳ дўст ва ёмон дўст мисоли мушқу анбар сотувчи аттор билан темирчининг босқони олдида турган кишига ўхшайди. Аттор атирларидан ҳадя қилиши ёки ўзинг бирон атир сотиб олишинг мумкин бўлади. Ҳеч нарса қилмаганида ҳам атторнинг олдида хушбўй ҳидлардан баҳри дилинг очилади. Аммо темирчининг босқони олдида турган одам тутунга ва бадбўй хидга ўралади. Сал бўлмаса, кийимларини ҳам куйдириб олиши мумкин. Темирчидан нарироқ кетса ҳам, у ердаги ёқимсиз хид димоғига ўрнашиб қолади. Фарзандлар тарбиясида улар танлаган дўст ҳам аҳамиятлидир..."

Мутахассислар ота-онанинг фарзанд ахлоқидаги салбий ўзгаришлар, унинг феъл-атвори, таълим-тарбиясига эътиборсиз бўлиши бола келажаги учун жиддий хавф туғдирувчи асосий омил эканини таъкидлайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жиноятга қўл ураётган болалар, асосан, нотинч ва носоглом оилаларда вояга етмоқда. Оиладаги бундай муҳитга мослашган ёки моддий таъминотга муҳтож бола бошқалар билан кўп жанжаллашди, ўғрилик, безорилик каби жиноятларга қўл уради. Ота-оналарнинг болалар тарбиясига масъуллиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида ҳам алоҳида қайд этилган. Унга кўра, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етувчи қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Бироқ, бугунги кунда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг ортиб бораётгани ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига эътиборсизлигини кўрсатмоқда. Ёшлар ўртасида итоатсизлик, ота-онага қулоқ солмаслик иллати шаклланиб бормоқда. Ота-онанинг топширғинини бажармаслиги, ҳатто уларга нисбатан қуч ишлаган ҳолатлар ҳам учраётгани ачинарлидир.

Хурматли газетамиз муҳлислари! Сиз фарзандингизга эътиборлимиз? Уларнинг нималар билан бандлигини биласизми? Бугунги кун ёшлар тарбияси борасида фикр-мулоҳазаларингизни қутиб қоламиз.

Дилдора
АБДУРАҲМОНОВА.



ХАТОДАН ЖИНОУАТГАСНА БИР ҚАДАМ

Сўнги вақтларда ёшлар, айниқса, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари тобора кўпроқ юз бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Бу тақрор-тақрор айтилган сўзлар моҳиятини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса-да, кўнглисиз ҳолатлар илдизига назар ташлаб, бунга яна бир бор иқрор бўлиш мумкин.



Ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка доир кўрсаткичлар шундан далolat берадики, улар ўртасида ўғирлик ҳолатлари кўпроқ қайд этилмоқда. Бунга сабаб нима? Ҳали мустақил ҳаётга дадил кадам қўйиб улгурмаган фарзандларимиз нега бировнинг молига кўз олайтирмоқда? Нега уларнинг нафси виждонидан устун келаяпти? Бу саволларга жавоб топиш учун мана шундай жиноятга қўл урган ёшлар ҳаётини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Аброр (исмлар ўзгартирилган) бир эмас, икки марта ўғирлик

кўрди. Кейин бошқасининг молхонасидаги гўнгни ташиб берганида. Баҳор кунларининг бирида қўшнилардан бири томорқани қолиб беришини илтимос қилди. У иш билан машғулликда қария нафақа пулини олиб келди. Уч-тўрт тахлам пул Аброрнинг кўзини ўйнатиб юборди. Кампирнинг ҳаракатларини кўздан қочирмади ва пулни қаерга беркитганини илғаб олди...

Қилмиши бир кундаёқ фош бўлди. Аммо уни оилавий шароити

ёнига талончилик деган айблов ҳам қўшилди...

Аброрнинг отаси ва онаси билан суҳбатлашилди. «Э, бу бола бошидан бўлмагур эди, ўзи. Тоғаларига тортди, зоти паст. Менинг ундай болам йўқ, мен унинг исмини ҳам эшитишни истамайман», — деди ота бўлмиш. «Унга яхши тарбия беролмадим. Турмуш ўртоғим йиллар давомида ичкиликка муккасида кетди. У билан андармон бўлиб, боламга бепарво бўлибман. Бу менинг хатоим, кечиринглар», — деди изиллаб йиғлаб онаизор.

Ҳа, хатодан жиноятгача бир қадам. Аммо хатогача лоқайдлик, бепарволик деган манзиллар борлигини унутмаслигимиз керак...

Назира — тўрт қизнинг учинчиси. Онаси ҳамшира, қизларига ўз ҳолича қаттиққўл эди. Лекин улардан бири ўғирлик қилганини билган чоғида қаерда хато қилганини ўйлай бошлади.

Мутахассис қиз билан дилдан суҳбатлашганида, қизнинг нега бу жиноятга қўл ургани маълум бўлди. Ҳаммаси кенжа ўғилнинг туғилган кунини унга қўл телефони совға қилишгандан бошланди.

— Менгаям

бўлди. Болалигида ҳам кўп болаларни уриб, бурнини қонатди. Аммо отаси танбеҳ бериш, бировга озор бериш гуноҳ эканини уқтириш ўрнига уни рағбатлантирди. «Яшавор, ўғил бола!» — деди. Мана, бугун уни қотилга айланишига бир баҳа қолди.

Ён қўшни бўлган отахоннинг сўзида жон бор эди. У янаям истиҳола қилди. Лазизнинг отасини оилада ҳам зўравон, бемехр эканини айтмади. Аёлини изза қилмай дея, унинг қачон қараманг, юз-кўзи кўқариб юришини айтишга йиманди. Оилада эркак кучли бўлади, ҳар кимга кучини кўрсатиб қўйиши керак, деган хулосага келган бола ўсмир ёшида кўча зўравонига айланди. Кўп ўтмай эса жиноятчига...

Нега бундай эди? Бу саволга психолог жавоб топди. Маълум бўлишича, Лазизнинг бобоси ҳам худди шундай фелъ-атворли киши бўлган. У ўғилга — Лазизнинг отасига юққан, аниқроғи, «юқтирилган».

— Тавба, кесакдан учун чиқибдимми?! — деди қўшнилари Баҳодирни тунда болалар билан муштлашиб,



би-лан қўлга тушди. Уни атрофга бепарво боқаятган кўзларига қоқиб, қилган ишидан кўп ҳам пушаймон эмаслигини англаш қийин эмас. Бироқ...

Беш ёшида унинг қалбида орзу пайдо бўлди. Ўртоғининг милиционер амалдорига ҳаваси келди. Катта бўлсам, мен ҳам милиционер бўламан, дерди ўша пайтларда. Ўн бир ёшида ҳар кунни уйга ичиб, маст ҳолда келадиган дадасини кўчада қўшнилар билан муштлашгани учун бир неча кунга қамаб қўйишди. Онаси неча кун ички ишлар бўлимига қатнади. Ана шу пайтларда онасига жуда кўпол муносабатда бўлишди. Бунга кўрган болакайнинг қалбида формали кишиларга нисбатан нафрат пайдо бўлди, орзуси тумандек тарқаб кетди.

Бора-бора отаси ҳам, онаси ҳам ўзлари билан андармон бўлишди. Боланинг индамай мактабга бориб-келиб юргани улар учун етарли эди. Лекин доим қўлларидан пул бўладиган ўртоқларини ҳар кўрганида ўқинадиган Аброр кейинчалик ўзи ҳам пул топишга ҳаракат қила бошлади. Биринчи марта қўшни холининг олмасини териб берганида, қўли пул

огирлиги сабаб кечирди. У қайта бундай ишга қўл урмасликка сўз бериб, тушунтириш хати ёзиб берди. Бироқ бу ёзувнинг сиёҳи қуримай туриб, унинг берган сўзи ёдидан чиқди-кетди.

Орадан кўп ўтмай қишлоқ марказидаги дўконни икки шероғи билан ўмарган Аброрга нисбатан бу сафар жиноий иш қўзғатилди.

— Шунча пулни нима қилмоқчи эдинг? — сўрашди суриштирув чоғида Абрордан.

— Мени бошқалардан қаерим кам? Мени ҳам бошқалардек чиройли кийиниб, чўнтагимда уч-тўрт сўм олиб юришга, бемалол пул сарфлашга, одамлардек еб-ичишга ҳаққим бор-ку! Отам пул бермаса, онам касал бўлса, нима қилишим керак?! — деб жавоб берди у.

Бу сўзлар уни яна қайта жиноятга қўл уриши мумкинлигини англади. Шундай ҳам бўлди. Бу сафар ўғирлик

— Шунча пулни нима қилмоқчи эдинг? — сўрашди суриштирув чоғида Абрордан.

— Мени бошқалардан қаерим кам? Мени ҳам бошқалардек чиройли кийиниб, чўнтагимда уч-тўрт сўм олиб юришга, бемалол пул сарфлашга, одамлардек еб-ичишга ҳаққим бор-ку! Отам пул бермаса, онам касал бўлса, нима қилишим керак?! — деб жавоб берди у.

шунақасидан олиб беринг, ойи, — деди Назира.

— Қиз бола телефон ишлатмайди, ундан кўра ўқи, — деди ойиси.

— Ўғлингиз ҳали мактабда ўқийди-ку, мени эса ҳамма ўртоқларимда шунақасидан бор...

— Учир овозингни! У — ўғил бола.

Юраги ҳасаддан куйган қиз нима қилиб бўлса ҳам, сўнги русумдаги қўл телефонига эга бўлиш ҳақида туну кун ўйлай бошлади. Ва бир кун дугонаси билан гўзаллик салонига бориб, имкон туғилиши билан салон ишчиларидан бирининг қўл телефонини ўғирлади...

Лазиз тенгдошини уриб, унга оғир тан жароҳати етказгани учун жиноий жавобгарликка тортилди. Суд залида боши эгик ўтирган ота-онасини кўрган маҳалла катталаридан бири шундай деди:

— Аслида бу иш учун болани эмас, унинг ота-онасини жазолаш керак. Чунки бу бола кўз ўнгимизда катта

милицияга тушганини эшитган. — Отаси ювощ, онаси ювощ, бу бола кимга тортибди?! —

Аслида ҳеч ким ҳеч кимга тортмаган — йигитча оиладаги муҳит сабаб ҳуқуқбузарлик содир этган эди. У икки қиздан кейин туғилган. Ота-онасининг мулойим инсонлар эканликлари рост, лекин ҳали турмушга чиқмаган, ўрта ўтирган опалари томонидан маънан эзилган бола кун келиб асабий, зўравонга айланиб қолди. «Сен ҳам ўғил боламан, уйга кўмилиб ўтиравермай, кўчага чик. Бошқа болалардек кўчада юришни ўрган», «Ўзи онамиз сеням қиз қилиб туғиб қўявермаган эканлар-да», «Ўйдан чиқмайсан, кашта тикишни ўрганиб қўяқол»... Шу тахлит гап-сўзлардан безган йигитча ўзини кўчага урди, уйга киришдан бешиб қолди. Ваҳоланки, у китоб ўқигани, кўпроқ ўқиб, ҳуқуқшунос бўлишни истарди. Кўчадаги ҳаёт унга ёқиб қолгач, орзуларидан воз кечди. Тараллабедод қилиб юришни афзал билди ва...

Хулосаларимиз қандай бўлишини англаб етандирсиз, азиз муштарий. Оила — тарбиянинг асоси. Дунёга келган гўдакнинг қалбини оппоқ қозғоли китобга менгзайдиган бўлса, ота-она сифатида унинг саҳифаларини фақат яхши сўзлар, яхши амаллар билан тўлдириш — биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Шунда фарзандларимиз — дилбандларимиз ҳеч қачон жиноятчига айланмайди.

Ҳайитали ТҮЙЧИЕВ.

oilavajamiyat@mail.ru

OQDARYOLIK SHIFOKORNING "DARDLARI"

u "virusga chalingach", sodir bo'lgan voqealarni ochiq aytdi

Коронавирусга чалинган оқдарёлик шифокор ўзининг ушбу вирусга чалингани ҳақида гумонлари борлигини айтди. Хўш, ҳаммаси қандай бошланганди? Шифокор коронавирусга чалинганлиги ҳақидаги хабарлар чиқиб кетгач, аҳолининг унга муносабати кескин ўзгаргани ва у руҳан босимга учрагани ҳақида гапириб берди.



– Билмадим, бу гапларни оммавий ахборот воситаларига олиб чиқасизми, йўқми? Аммо хасталигим билан боғлиқ воқеалар бутун республикага шунчалик катта шов-шув бўлиб кетдики, гўё Оқдарёга вирусни мен биринчи бўлиб олиб кирганман ва юзлаб одамларнинг карантинга олинишига сабаб бўлган эканман. Бу масалада менинг эътирозларим бор.

– Нера?

– Аллергик бронхит хасталигим борлигини кўпчилик яқинларим яхши билади. Айни баҳор ойлари у кўзиб, безовта қилади, зарур дориларимни ичиб юраман. Уша кунлари салқинроқ хонада оз муддат мизғиб қолибман. Шунинг учун ваража қилаётганимни сездим. Кечга томон ҳароратим кўтарилди. Антибиотик укол олдим. Эртаси куни ишга келишдан аввал туман санитария-эпидемиологик осойишталик бўлимига бориб, тест топширдим. Жавобини кутдим, лекин муолажамни давом эттирдим. Ростдан

аҳволим ёмонлаша бошлади. Телефон қилиб, туман СЗО бўлимидагилардан натижани сўрадим. «Сизда вирус йўқ», дейишди. Кейин ишга келдим, муолажамни давом эттирдим. Ҳароратим борлигини бош шифокорга, бош инфекционистга маълум қилганимда, улар дарҳол мени коронавирусга гумон қилиб, вилоттага хабар қилишди. Шу тариха мендан тахлил натижалари қайта олинмай, ҳали аниқ бўлмай, юқумли касалликлар шифохонасига олиб келишди.

– Бежизга эмасдир, ахир ҳароратингиз тушмаганку, улар ўз вазифасини бажарган эмасми?

– Эҳтимол шундайдир. Майли, мен бундан норози эмасман. Аммо шифохонада пайтим ҳали аҳволим оғир, ҳароратим бўла туриб, орадан ўн кун ҳам ўтмай, сизда коронавирус манфий чиқди, бўлди, реабилитацияга кузатиласиз, дейишди. Хўш, бу гапни қандай тушунишим керак? Ваҳоланки,

ўша пайт аҳволим жуда оғир, нафас олишим қийин эди. Агар ростдан ҳам коронавирусга чалинган бўлсам, касаллик белгилари авж палласида қандай қилиб вирус менда манфий чиқиши мумкин? Буни врач бўлмаган одам ҳам яхши тушунади, деб ўйлайман. Хуллас, орадан кўп ўтмай, реабилитацияда ҳам икки-уч кундан сўнг менга жавоб бериб юборишди. Мен шифокор сифатида аниқ биламанки, пневмонияни бошимдан ўтказдим. Аммо касаллик аломатлари аниқ ошкор бўлиб турган пайти, аҳволим оғир бўлган ҳолатда менга жавоб бериб юборганларига ҳанузгача тушунмапман. Қолаверса, ҳозирга қадар коронавирусга чалинганим ҳақидаги маълумотнома қўлимга берилгани йўқ.

– Уша пайти одамларнинг муносабати ҳақида нима дея olasiz?

– Нима дердим? Табиийки, шифокор бўлганим, тумандаги минглаб одамларни даволаганим учун жуда кўпчилик мени танийди. Даволашиб чиққанымдан сўнг ишга келгач, одамлар атрофимни айланиб ўтадиган бўлишди. Кўчада кўриб қолса, худди арвоҳни кўргандай йўлини буриб кетишди. Қариндошларим, карантинга олинган яқинларимдан турли-туман гаплар эшитдим. Буларнинг барчаси инсонга таъсир ўтказмай қолармиди?! Уларни айтиб ўтироқчи эмасман. Аммо у ёки бу маълумотни тарқатишда инсон шайни, қадри ҳақида ўйлаб кўриш керак эди, деб ўйлайман.

Тўғри, ички ишлар идоралари томонидан суриштирув ишлари олиб борилганида қаерларга борганимни айтдим. Аммо бу гапларнинг ҳаммаси ошкор бўлиб кетди. Одамлар ўша пайти вирус авж олган "Тойлоқ, Пайариқ туманига борган экан, ўзи шифокор бўлиб, қондаларга амал қилмаган экан", каби фикрларни билдиришди. Ваҳоланки, мен бу туманларга борганим йўқ. Ишдан ортиб, қўшимча тадбирларда юришга қандай вақтим бўлсин ахир?

– Хуллас, сиз туфайли юзлаб одамлар карантинга олинди, шундайми?

– Ҳа, юзлаб одамлар карантинга олинди. Майли, бу борадаги баъзи ҳолатларни айтиб ўтирмайман. Аммо акамнинг келинида вирус чиқди, дея юқумли касалликлар шифохонасига олиб бориб, шифохонага боргач, "сизда касаллик йўқ", деб қайтариб юборишган. Шу каби сарсонгарчиликлар ҳам бўлди. Шунинг учун ҳам одамларнинг менга муносабатида бўлган эътирозларни тушунаман. Буларни енгилб ўтиш мумкин. Вақт ҳаммасини даволайди.

Лекин мен шифокор сифатида бу касаллик атрофида бўлаётган воқеалар қийнапти. Тўғри, ушбу вирусни ҳеч ким кутмаган, тўсатдан одамлар бошига тушган бир бало бу. Бундай пайти дардини айтиб, ношукурлик қилишни ўзимга эл билмайман. Аммо ишни тўғри ва тизимли ташкил қилиш учун бу масалада ҳам жамоатчилик назорати керак, деб ўйламан.

Гулрух МҲМИНОВА
сўхбатлашди.

NOSHUKURLIK UVOLI TUTMASIN...

...Муаззам холанинг негадир уйқуси қочиб кетди. Бомдод намозига эса ҳали вақт бор. Ўтган умрига бир назар ташлаб, хаёли узокларга олиб кетди. Эҳ-ҳе, умри давомида бу боши нималарни кўрмади. Отаси раҳматли шароити оғир бўлгани учун 7 жонни зўрға катта қилишди. Муаззам хола оилада тўнғич фарзанд эди. Отаси уни ўзидан ёши анча катта бўлса-да, катта узумзори бор кишига, майиз эса ҳам куни ўтади, дея узатган эди.



...Муаззам хола ўтган умридан нолимайди. 4 қиз, 3 ўғлини олий маълумотли қилиб, уй-жойли қилди. Ҳаммаси ўзидан тиниб-тиниб кетишди. Энди эса невараларининг келажаги билан машғул. Ёнида ётган невараси Азизанинг юзини секингина сираб қўйди. "Болам бечора ака-опаларидан қолмай деб, телевидения орқали берилаётган дарсларни кузатиб боради. Орада устоз билан телефонда тестлар ишлаб, савол-жавоблар қилиб қўяди". Ахир унинг орзуси пойтахтга бориб ўқиш. Шифокор бўлиб, дардмандларга шифо улашиш. "Куну тун китобдан бошини кўтармайди. У бу жойим оғриди, десам даволаб ҳам қўяди. Илоҳим меҳнати юзага чиқсин, умридан барака топсин, пандемия деганларини отлари ўчиб кетсин илоҳим". Бироз дам олсин уйғотаман, деди-да намозга туриб кетди.

Намозини ўқиб бўлиб неварасини уйғотишга кўзи қиймай, яна ҳалға чўмди... Совчисин сочининг толасидан-да кўп невараси олий ўқув юртига қираман деб, барчасини рад

қияпти. Дадаси Абдувоҳид ака ҳам ўта қаттиққўл бўлса-да, қизларининг кўнглига қарайди. Қизлар тарбиясини турмуш ўртоғи Гулбаҳордан кўра, онаси Муаззам холага кўпроқ ишонади.

"...Вой худойим-а, бутун дунёга офат келтираётган коронавирус балоси наҳотки бизнинг юртимизга ҳам соя солса. Эй Оллоҳим "қирқ йил қиргин келса ҳам, ажали етган ўлади" дейишади, ишқилиб ўзинг асра. Ҳар куни ўлимни бўйнимизга оламиз-у, аммо..."

Кеча невараси телефониди бир видеотасвири кўрсатди. Э воҳ, вирус туфайли вафот этган бир майитни полиэтилендан бир хил форма кийган шифокорлар қолга ўраб, темир яшикка солиб шифохонада жаноза ўқишди. Оллоҳим, шундай ўлимдан ўзинг сақла.

Тавба, Оллоҳнинг синови кўпда. Одамлар ҳам жуда ношукур бўлиб кетди. Икки кўча нарида турадиган Гулчеҳра бирдан кўз олдига келди. Турмуш ўртоғи Қосимбой қанақадир ноҳақлик туфайли қамалиб қолди дейишади. Ҳеч қаерда ишламайдиган Гулчеҳрага 4 болани боқиб анча қийин кечаяпти. Маҳалладан бериладиган ёрдам пулини ҳам гоҳида миннат билан қабул қилади. Нима эмиш, бу пулга

яшаб бўлмасмиш.

Ҳа, бизни ҳалқимиз жуда инсонпарвар ҳалқа. Пандемия сабабли карантинга олинган худудларга ёрдам қўлини чўзгани қайси-ю таскин бергани қайси. Тўнов куни маҳаллада шахси номаълум кишилар томонидан эҳсон улашилди. Ҳар бир кам таъминланган оилга маълум миқдорда ун, шакар, макaron, гуруч, ёғ, туҳум каби озиқ-овқатлар тарқатилди. Кимдир дуо қилди, кимдир Оллоҳ бир банда орқали эслаганига шукур қилди, кимдир кўз ёшини яшириб, аламини ичига ютди.

Гулчеҳра эса олиб келинган неъматларни у ёқдан бу ёққа отқилаб, торқилаб, илқиб-силқиди. Маҳалладан келган ходимларни ҳақоратлай кетди. "Қани, бунга ким тўяди!? Неча кунга етади бу! Макаронингни қара, қоп-қора, мен бун болаларимга едирмайман, ол ўзинг е, мен шикоят қиламан, давлат менга берган нарсани сенлар еб қўяясанлар!..."

Кимдир "асаблари чарчаганда" деса, кимдир "тўрт мучанг соғ бўлса, одамларда йўқ томорқа сенда бор, экин эк, меҳнат қил" деди, кимдир "шукур қил", дея қўл силтади.

Изоҳга эса ҳоҳат йўқ эди... Маҳалла ходими маоши бир миллионлик иш та-

клиф қилди. Гулчеҳра эса яна аюҳаннос солди " нима бўлади бу пулинг, мен бу пулга ишламайман!".

Астахфурulloҳ, дейсан киши. Камбағаллик айб эмас, дейишади. Менимча камбағалликдан чиқиб кетиш учун ҳаракат қилмаслик айб, уялмаслик айб.

Яқиндагина ўнг томонидаги қўшнисини Нургул опа неча йил мисқоллаб йиққан пулига иккита келин туширди. Тўй анчайин чиройли, файзли ўтди. Аммо афсус, ҳали олти ой ҳам ўтмай катта келини кетиб қолибди. Нима эмиш, сепини 28 миллионлик кредитга қилганмиш. Кувв томон зўрға йиғиб терганини тежалсин деб, икки тўйни битта қилиб ўтказган эди. Келиннинг кредитини тўлаш эса ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. Келин эса олти ой давомида олти марта кетиб қолди. Ҳар гал кетганида биттадан нарсасини сотиб кредитини тўлади. Бир гал чанпоткич, бир гал микратўлқинчи печ, кейин кир машина, ниҳоят охири кетганида қўшнисига мебелини сотиб кетибди...

Тавба, ёшларку ёш, аммо оналар қаерга қараяпти? Инсоният бошига тушаётган бачча кўргуликлар аслида шуларнинг жавоби эмасмикин? Шаҳарда турадиган ўғли Абдусамадникига борганида кўп қаватли уйнинг деразасидан кўчани томоша қилаётиб гувоҳи бўлди. "шаҳарда аёллар кўчадан уйга қирмайдими? Ҳар ўтган-кетганининг орқасидан гийбат қилиб ўтирибди. Ана, сумка кўтарган аёл саломлашди-да кириб кетди. Демак, ҳамма ҳам бирдай эмас экан", дея таскин топди. Эҳ одамлар-а...

Ўғилой МАМАТҚУЛОВА,
Жиззах давлат педагогика институту академик лицейи она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

– Қизингиз бу дардни бугун орттирган эмас, балки 12-14 ёшларида шамоллагандир. Вақтида даволатмаганингиз учун асорати қолган, кейин киста пайдо бўлган. У ҳам узоқ йиллардан бери найча ва тухумдонларни шикастлашга улгурган. Тезда, операция қилиш керак, бўлмаса, ҳаётини сақлаб қолиш ҳам муаммога айланади, – деди шифокор.

Бу гапни эшитиб Ойниса турган жойида қарахт бўлиб қолди. Шифокорни ёнидан чиққанида бошини қуйи солиб ўтирган қуёвига, у ёқ бу ёққа безовта аланглаб, бу ташвишнинг тезроқ тугашини кутаётган қудасига ер остидан киши билмас назар ташлаб, юраги зардобга тўлди. Қуёви Расул чиндан ҳам изтиробда эди. Қудаси эса дам-бадам уф тортар, гоҳ ўрнидан туриб, гоҳ ўтирар, ўлгина норози кўз ташлаб қўярди. Унга келиннинг касал бўлиб қолгани ёқмаётгани шундоққина кўриниб турарди.

Ойниса бир чеккадаги ўриндиққа бориб ўтирди. Ёнига ўн тўрт ёшлар чамасидаги қизни етаклаб олган бир аёл ҳам келиб жойлашди.

– Манзураҳонга навбат кутяпсизми? – дея рўпарадаги эшикка ишора қилди.

– Йўқ, мён бошқа масалада...
– Ҳа, унда яхши экан, биз тезда кириб чиқарканмиз...

Аёл бир муддат жим ўтирғач, Ойнисага юзланди.

– Шу десангиз қизимнинг ой кўриши оғриқ билан кечадиган бўлиб қолди. Оиламизга қарайдиган дўхтирга айтсам, шу Манзураҳоннинг манзилини берди. Олиб келдим. Шамоллаши бор экан. Таҳлил қилиб, касалини аниқлашгач, мана бир йилдан бери даволашяпти. Бугун охириги натижаларини олдик. Энди қизим соғла-соғ экан. Шунга Манзураҳонга кириб, раҳмат айтиб кетайлик, деб келдик-да...

– Яхши қилибсизлар...
Ойниса шундай деди-ю бирдан серғак тортиди.

– Шошманг, оғриқ жуда кучли бўлармиди?
– Ҳа, баъзида мактабга ҳам болмай қоларди...

– Энди оғримаяптими, қизим, – дея қизига юзланди у.

Қиз ердан кўз узмай, йўқ дегандек бош чайқайди.

Ойниса ёнидаги аёл яна нима деганини, қачон хайрлашиб кетганини ҳам англамади. Кўз олдига Умиданинг ўша 14 ёшлик даври келган, хаёли ўша йилларда кезиб юрарди.

Ушанда эрталабдан Умиданинг ранги синиққан, ўзи анчагина ҳолсиз кўринарди. Ҳар куни югуриб-елиб нонушта тайёрлайдиган қизининг

БЕПАРВОЛИК КАСРИ



– Шу десангиз қизимнинг ой кўриши оғриқ билан кечадиган бўлиб қолди. Оиламизга қарайдиган дўхтирга айтсам, шу Манзураҳоннинг манзилини берди. Олиб келиб, касалини аниқлашгач, мана бир йилдан бери даволашяпти. Бугун охириги натижаларини олдик. Энди қизим соғла-соғ экан.

ҳаракатлари сустлигини кўриб, Ойнисанинг жаҳли чиқди.
– Тез-тез қимирласангчи, дарсдан кеч қолсан-ку бунақада.
– Мактабга болролмайман шекилли ойи...

– Нера?
– Қорним оғрияпти. Белим ҳам.

Она бироз юмшаб қизини ёнига ўтказди-да, кўзларига синчков тикилди.

– Оғирроқ нарсга кўтарувдингми?
– Йўқ, ҳалиги... – қиз ичидаги гапини айтолмай кўзи билан ер чизди.

– Ҳа, устинг ёмон бўлибдимми? – деди у бироз юзи ёришиб.

Қиз индамайгина бош ирғади.

– Ҳеч нарсга қилмайди. Ҳозир ёғ иситиб белларингга, қорнингга суриб қўяман. Бироздан кейин кўрмагандай бўлиб кетасан. Бунақа иш ҳамма қизнинг бошида бор. Шунга мактабга бормай, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олмақчимисан?

Она нонушадан сўнг қизига ўз билганича муолажа қилиб, қўярда-қўймай мактабга жўнатди... Орадан икки соатлар ўтмай, мактаб ҳамшираси Умидани етаклаб кириб келди.

– Мазаси йўқ экан. Буни дўхтирга олиб бориб яхшилаб текширтинг.

– Майли, эртага олиб борарман, – деди Ойниса.

Эртасига Умида ўзини анча яхши ҳис этаётганини айтганида, уни дўхтирга олиб боришдек ташвишдан қутилганига ҳурсанд бўлди. Шундан кейин ҳар сафар ойнинг маълум бир кунда Умида қорни ва бели оғриётганини айтса, она уни яна ўзи билганича муолажа қиларди-да, “Ўтган галгидек бир кунда ўтиб кетади, шунга шунча ваҳима

қилишнинг нима кераги бор”, деб қўя қоларди.

Умида мактабни тугатди, коллежга ўқишга кирди. Ўзиям кўрган одамнинг суқини келтирадиган даражада чиройли ва ёқимтой қиз бўлди.

– Кейинги пайтда оғриқ тез-тез қайталаяпти, – деди бир куни Умида.

– Қиз бола бунақа пайтда сабрли бўлиши керак. Ҳа деб, бу оғриқни рўқач қилаверса уят бўлади, – деб танбех берди ойиси.

Шундан сўнг Умида соғлиғидан шикоят қилмай қўйди. Бу орада совчиларни кўпайди. Коллежни тамомлаган куни онасига илтижоли термилиб, “Ой-ижон, институтларда ўқигим бор эди, аммо сиз мени узатиб юборяпсиз”, дея ўқинди.

– Қиз бола ўқимасаям бўлаверади. Ана, худо хоҳласа топармон-тутармон йигитнинг қўлига тушяпсан. Расулжоннинг ўзи сени боқиб олади, – деб уни қайириб ташлади.

У жуда чиройли келин бўлди. Уйдаги ишларга эпчил-чаққонлиги учун тезда қайнонаси билан ҳам чиқишиб кетди. Ҳатто қудаси бир-икки марта “Шундай хушодоб, фаросатли ва оёқ кўли чаққон қизни” ўстиргани учун унга раҳмат ҳам айтивди. Ойниса бундан мамнун эди. Эндигина қизининг бахтдан тинганига ишонган, кўнгли хотиржам тортганди.

Аммо бугун эрталаб қуёви Расул телефон қилиб, унинг мазаси қочганини, дўхтирга олиб бораётганини айтиб қолди.

Ойниса шоша-пиша касалхонага чолиб келди. Қараса, қизининг аҳволи жуда ёмон. Оғриқдан инграб ётибди.

Операцияси узоққа чўзилди. Шифокор манглайдаги терни артиб чиқиб келганида Ойнисанинг тамоман силласи қуриганди. Шифокорга кўзи тушиши билан ҳовлиқиб ўрнидан турди-да, унга пешвоз юрди.

– Нима гап, дўхтир?
– Беморни сақлаб қолдик.
– Худога шуқр. Раҳмат дўхтир, катта раҳмат сизга.

– Аммо нохуш хабарим ҳам бор, – деди шифокор Расул билан унинг онасига ташвишли нигоҳ ташларкан. – Иккала трубасини ҳам, тухумдонларини ҳам олиб ташлашга тўғри келди. Энди қизингиз фарзандлик бўла олмайди.
– А-а-а?!

Ойниса бир муддат анграйиб қолди. Ҳуши ўзига келганда нарироқда гаплашиб турган қудаси билан Расулга кўзи тушди. Қудаси қуёвга нималарнидир ўқтиришга уринарди. Расул эса тинмай бош чайқар, Ойнисага хижолатли назар ташларди.

– Энди Ойнисахон, мён борай, – деди қудаси унга яқинлашиб. – Расул ҳали шу ерда бўларкан. У, бу керак бўлса, унга айтарсиз...

Қудасининг қуруққина хайрлашиб кетгани унга оғир ботди. Келиннинг энди болалик бўла олмаслиғидан хафа бўлган бўлса бордир, аммо шуни дарров юзага чиқармай, бир-икки кун сабр қилиб турса бўларди-ку, деб ўйлади.

Умидани касалхонадан олиб чиқишмагунча, Расул унинг атрофида парвона бўлди. Касалхонадан Ойниса уни тўғри уйига олиб келди. 2-3 ҳафта ўтган, Умидадан хабар олишга келаётган қуёвининг ранги-рўйидан уйда тинчи йўқлигини тушунди.

Бир ой ўтса ҳам сира хабар олманган қудаси бир ярим ойлardan кейин эшикдан кириб келди. Унинг авзойини кўриши билан Ойнисанинг ичида нимадир чирт этиб узилгандек бўлди.

– Умида яхши келин эди. Уйдаги ишларни саранжом-саришта тутарди. Ундан розимиз. Аммо менинг уйимга хизматқормас, неваралар тугиб берадиган келин керак. Бизни тўғри тушунилар. Расулни бошқа қизга уйлантираман, – деди.

Ойниса лом-мим деёлмай қолди. Унинг ичи ўртанаётганди. Чунки қизининг шу аҳволга тушишида ўзини айбдор деб билар, ўз вақтида Умидани шифокорга олиб бормгани, қизининг саломатлиги йўлида сусткашлик, эринчоқлик ва бепарволик қилгани учун ўзини асло кечира олмасди. Бу надоматнинг энди фойдаси йўқлигини уйлагани сари юраги зардобга тўлиб борарди.

Ёдгора ЖУМАНАЗАР.

Онам Жиззах воҳасининг Зафаробод тумани, дадамнинг ҳазилий таъбири билан айтганда тўртта палакнинг тагида улғайиб, шаҳарнинг келини бўлган. Полизчи бобом, қуртчи бумини ҳар ёзги таътилда йўқлаш биз учун маъсуляти иш эди. Ҳа, ушбу эссем ўша “ипак қатик” уютишни боппайдиган Зафаробод энам ҳақида...

Кун пешиндан оғиб қолган бўлсада, қишлоқдан шаҳар бозорига бир кунда бир марта қатнайдиган автобусга ўтирдик. Автобус одамларга тўла, мен эса хўроз кўришидаги қандимни шимиб, тишимни-тишимга қўйиб кетардим. Онам бўлса, қишлоқдошлари билан гурунлашиб, менинг борлигимни унутиб ҳам юборганди. Чайқалиб-чайқалиб етиб борган автобусдан тушдим-у енгил нафас ола бошладим. Наҳотки, энамнинг уйига етган бўлсак... Энам-а, ўша эски жийдаси-ю, шиппаковушини

ЕНА (Esse)

оёғидан туширмайди. Узоқдан кўрдим-у, шундай райҳон хиди келган бағрига ўзини отаман. Энажоооон, – дейман эркаланиб. Зафаробод энам бўлса, менинг шаҳарлик, оплоққина боламдан деб юз-кўзимдан ўпади. Боришимизни тушида кўрганми, биз учун гилминди қилдириб қўйган экан. Тоғамнинг хотини, болалари билан маза қилиб чачхашлашамиз. Ўша борганимизда онам таътилда бўлганим учун мени 10 кунга энамниқига ташлаб келдилар. Ҳаммаси ўша кундан бошланди...

Атайлаб қилгандими, ўша кунлари қишлоқда бугдой ўрими бошланиб

қолди. Ҳамма ҳашарга кетар, Зафаробод энам иккимиз уйда ёлғиз қолардик. Аммо мен энамдан куп ранжирдим. Чунки сира ҳам бир жойда ўтирмас, дам олмасдилар. Қарангки, мендек югурдакни ҳам тиндирмасди. Бир келида қотган нон туйса, бир райҳон, аччиқ қалампир аралаштириб қурт қилдиарди. Ҳа, айтганча Зафаробод энамни қишлоқда ҳам қуртчи дәрди. Уч-тўртта соғин сизирнинг қатиги-но чакисси фақат қурт бўларди. Ёш бўлсамда рўзгор ишга апил-тапил яраб қолган вақтим эди. Ҳар ҳолда энам иккаламизга бир нималар пиширолардим. Аммо энам негадир секин оватқанлар, менинг эса тезроқ дастурхонни йиғиб, кўзга чиқиб уйнагим келарди. Баъзида ўзимга ўзим энам доим нимадир еб юради(оғзини қимирлатиб, тўлдириб кавшанаётганини кўрганманда) деб ўйлардим. Бир марта кўнглини қаттиқ оғритганим ҳам эсимда...

– Эна, сандиғингизда Тошкент тоғам куп нарсга олиб келиб қўйганим дейман-да. Доим яшириб еб юрасиз? – дейишимни биламан, энамнинг терс бурилиб қараганини кўрдим. Ногоҳон кўзларига милтиллаган ёш ҳам келгани сезилди.

– Ҳей сен шумтака-ей, ҳали уртимда шимиб юрган урик қоқиниям куп кўрдингми? Тиш бўлмагандан кейин, секин-секин шимиб нарсга еб юраманда, – дея оғзининг бир четидан туршакнинг данагини секин чиқариб кўрсатди. Вооооҳ, – дедим ўзимга ўзим. Наҳотки, энам ҳақида шундай хаёлга борган бўлсам. Наҳотки энамнинг бирорта тиши қолмаган бўлса...

...Бугун эса, бундай хатоларимни асло тўғирлолмайман. Узр ҳам сўролмайман... Чунки кечирадиган энам йўқ!

Кумушой УСАРОВА
“Болаликдаги хотиралар” дан.

FARZAND TARBIYASIGA

KIM MAS'UL?

Кейинги пайтларда фарзандларимизнинг тарбиясидаги камчиликлар хусусида асосан оналарни айбдор санаш одат тусига кирди. Айримлар гап фақат оналарда эмас, оталар ҳам фарзанд тарбиясида бабаробар шерик бўлиши зарур дейишади. Аслида кундалик ҳаётимизда қандай? Қузатувларимизни сизлар билан ҳам баҳам кўришни жоиз деб топдик.

Биринчи ҳолат

Автобусда ёнимдаги ўриндиқда ўтириб кетаётган аёлнинг уч ёшлар атрофидаги ўғилчаси жажжигина бармоқчаларини ойнага чўзиб, деразадан оқаётган сув томчиларини ушламоқчи бўлди. Аёл: "Мумкин эмас, болам, қўлларинг кир бўлади" – деди мулойимлик билан. Болакай онасига тушундим, деган ишора қилди.

Касбим тақозоси сабаб аёлни суҳбатга тортдим. Мулоқот жараёнида ёш она фарзандларини тарбиялашда ҳаммиша эр-хотин фикри бир жойдан чиқшини айтиб ўтди. Болалари бирор камчилик ёки хатога йўл қўйса ҳеч қачон дастурхон атрофида кўпчилик ёнида мухокама қилиниб, изза қилинмас экан.

– Аинқса ҳомиладор пайтида хўжайиним мени янаям кўпроқ авайлайди. Шу боис болаларимнинг феъли кенг, – деди аёл.

Иккинчи ҳолат

Бозорда онасининг ёнида банан еб кетаётган 5 ёшлардаги қизалоқнинг қўлидаги банан ерга тушиб кетди. Қизча шошилганча банани ердан олмоқчи бўлди. Аёл қизининг қўлига бир шапатиллаб: "Қўлинг ифлос бўлди, мараз", – деди. Қизча овозининг борича йиғлаб юборди. Аёлнинг ташқи қиёфасига разм соғдим. Қорнида олти-етти ойлик ҳомиласи бор аёл зил-замбилдай сумкани аранг кўтариб уйига ошиқар, айб иш қилган қизчасини тинмай қараб борарди.

Учинчи ҳолат

Бектемир тумани кўптармоқли шифохонада дерматолог қабулида навбатда турган аёлнинг юз-қўзларидagi куйган яраларни кўриб, сабабига қизикдим. Навбатимиз келгунча икки аёл бироз ҳасратлашдик.

– Иккита фарзандим бор, учинчисина ҳомиладорман. Ҳазим давлат

корхонасида ишлайман. Таътилга чиққунимча ҳали анча вақт бор. Аммо ҳозир мана шу яралар сабаб, ишга бормай ўтирибман, – деди аёл кўнглини очиб. – Ҳам давлат иши, ҳам уй юмушлари, болалар тарбияси ҳаммаси мени бўйнимда. Кеча ошхонада овқат қилаётгандим, бир пайт тўрт яшар қизим кўчадан қўллари лойга ботиб, уст-боши кир ҳолатда кириб келди. Бу ёқда қозонда ёғим қизиби турибди. У

ҳомиладор бўлиб фарзандини дунёга келтиргунча хўжайини уй юмушларига ёрдам беради, асраб-авайлайди. Ҳар доим гинеколог ҳузурига бирга олиб боради. Мени хўжайиним эса фақат туғруқхонадан олиб чиқишга боради ҳолос.

Аёлнинг куйиниб сўзлашида жон бор албатта. Нотўғри фикрляясиш ўзбек эркаклари ҳам аёлни авайлайди, дейдиганлар топилади. Тўғри, фикрингизда жон бор, бизни эркакларимиз асо-

ланади. Гинеколог ҳузурига навбатда турган келинларни кўп ҳолларда кузатаман, ҳар доим жонсарак, бетоқат. Яқинда бир келинчак:

– Ойижоним тезроқ кўриқдан ўтиб келинг деган, худди мен кўчада айланиб юргандек кеч қолсам қовоқларини уюб оладилар", дейди оёғи куйган товукдек типирчилаб. Ниҳоят навбати етиб, шифокор олдига кирди, шифокор УТТ аппаратига тушишни маслаҳат берди. У эса навбат кўпчилигини кўриб, кейинги сафар дедию шифохонадан шошилиб чиқиб кетди.

Бизда фарзандни дунёга келтириш бу аёлнинг вазифаси, удаллаши зарур деб қаралади. Ваҳоланки соғлом



ёқда қизимни юз-қўлларини ювиш керак. Хўжайиним ишдан келиб, телевизор кўриб, мудраб ўтирганди.

– Дадаси, қизингизни юз-қўлларини ювиб қўйинг, ёғим ёниб кетади, десам, "Бу юмушлар сени вазифангга қиради, улгурмаётган бўлсанг уйда ўтир", – деди жаҳл билан. Асабийлашиб қозонга гўштни солишим билан ёғ ҳамма ёққа сачраб кетди. Мана кўринг юзимда, бўйнимда ёғдан қолган доғлар. Ҳалиям ачишиб оғрияпти. Хўжайиним эркакнинг вазифаси фақат пул топиш деб ўйлайди. Фарзандларини ёнига олиб бирор марта эртаси ёки ҳикоя айтиб берганини кўрмаганман. Иккинчи қаватдаги қўшнимиз корейс миллатига мансуб, шу оилага ҳавасим келади. Аёли

“
Хўжайиним эркакнинг вазифаси фақат пул топиш деб ўйлайди. Фарзандларини ёнига олиб бирор марта эртаси ёки ҳикоя айтиб берганини кўрмаганман. Иккинчи қаватдаги қўшнимиз корейс миллатига мансуб, шу оилага ҳавасим келади. Аёли ҳомиладор бўлиб фарзандини дунёга келтиргунча хўжайини уй юмушларига ёрдам беради, асраб-авайлайди.

болани дунёга келтириш учун аёлнинг ўзини кучи етмайди. Ҳомиладор аёлнинг алоҳида кун тартиби бўлади. Шифокорлар бу тартиб ҳақида уларни минг мартаба оғоҳлантиргани билан кошқийди амал қилинса. Мисол учун бу тартибдан эсн осон ва маблағ талаб қилинмайдиганларини санаб ўтсам. Вақтида ухлаш, китоб ўқиш, телевизор кўриш, атрофдагилар билан гўзал ва мароқли суҳбатлар қуриш.

Соғлом чақалоқ оилада ҳаммага хотиржамлик, қувонч, бахт, бағишлайди. Бундай болалар боғчада ҳам, мактабда ҳам ҳар қандай билимни жуда тез ва осон ўзлаштириб олади. Бундай болалар ота-онасини бошқалар олдида уялтирмайди. Уларга бир оғиз "уят бўлади" ёки "бу ишинг нотўғри", деган сўзнинг ўзи кифоя. Ахир, "Бола азиз, одоби ундан азиз", деган мақол бежиз эмас. Фарзандларимизни ҳаммиша азиз ва қадрли бўлиши эса нафақат оналарга, оталарга ҳам боғлиқ. Юқоридаги воқеалардан хулоса чиқариш эса ҳар кимнинг виждонига ҳавола.

НОШУД ЭРДАН ЧАРЧАДИМ

Сарвар акам билан севишиб турмуш кўраемиз. Оила қуришимизга дадам қарши бўлишига қарамай, шу йилга тегаман деб овқ тираб туриб олдим. Онам севишинг уюли урмасин деб дадамни кўндирган. Мана оқибати. Жабрини икки болани бўлгач тортаяпман. Иккинчи ўғлим тугилгач қайнона-қайнотам рўзгоримизни бўлак қилиб қўйди. Сарвар акам пул топиб, рўзгорни кам-кўстини тўлдириш ўрнига ҳали ҳам ота-онасининг бўйнига осилиб олган. Унга бир неча марта тузукроқ иш топинг деб айтдим, парвосига келтирмайди. Сөзгү олови ёниб-ёниб ўчди. Ундан совуган чўғ қолди. Борган сайин эримдан

қўнглим совуб кетаяпти. Аламимни болаларимдан оламан. Жаҳлга берилиб, асабийлашадиган бўлиб қолдим. Бу ҳолат қачонгача давом этаркин?

Соҳиба,
Тошкент шаҳри.

Саволга психолог **Одина Отажонова** жавоб беради.

ҲИССИЁТЛАР КАСАЛЛИКНИ АВЖ ОЛДИРАДИ

Сиз ўзингизни ўзгартиришингиз керак. Бундай тушкун кайфиятда юришингиз биринчи навбатда соғлигингизга салбий таъсир кўрсатади. Жилловланган салбий ҳиссиётларингиз гастрит, ошқозон яраси, гипертония, астма касалликларини ривожланиши учун замин яратади ва бир қанча руҳият билан боғлиқ хасталикларни келти-

риб чиқаради. Ниятни яхши қилинг. Яхшими ёмонми жуфти ҳалолингиз борлигига шукр қилинг. У ҳақда тинимсиз ёмон фикрлаш сизни ундан узоклаштиради, кўнглингизни соватади. Яхши хотин эрини юртга вазира қилади. Унинг яхши томонларини кўрсатишни истайди. Унга ишонинг ва ҳурматини жойига қўйинг. Ахир сизнинг ҳар бир ҳаракатларингизни фарзандларингиз кузатиб турибди. Буни унутманг. Улар кўз ўнгида ўз эрини ҳурмат қилмайдиган, тинимсиз асабийлашиб, барчани ўзидан бездирадиган она бўлиб қолишдан асранг ўзингизни. Сизга онаси бўлганингиз учун фарзандларингиз тоқат қилишлари ачинарли ҳоллигини асло унутманг. Ахир оилангиздаги етишмовчиликда

Psixolog maslahati

болангизни нима айби бор? Унинг гуноҳи шу оилада тугилганими? Эндигина кўкка буй чўзаётган кўнглини оиладан, ўзингиздан бездирманг. Уларга меҳр билан, табассум билан боқинг. Фарзандларингиз билан дўстлашишга ҳаракат қилинг. Шунда сиз ҳаёт қанчалар гўзал ва лаззатли эканлигини, болалик дунёсига ошно бўлганингизда англайсиз ва шукр қиласиз. Оналик бахтини ҳис этасиз. Ҳеч қачон тақдирингизни лаънатламаманг. «Ақлли одамлар ранжмайдилар, хулоса чиқарадилар», деган шioriни дастуриламаб қилиб олинг.

Саҳифани Нигора **РАҲМОНОВА** тайёрлади.

“КАТТА БО‘LSAM YAXSHI ODAM BO‘LAMAN...”

Бу ҳақда ёзиш тўғрими-йўқми деб узоқ ўйладим. Аммо ёзиш ўринлироқ бўлармикан, деган тўхтамга келдим. Чунки кўнглимиздаги энг лазиз туйғулар – меҳр, мурувват, саховат ҳар доимгиданда юзалаб чиқаётган ҳозирги паллада балки бир бола – бир инсон тақдири бошқаларни ҳам бефарқ қолдирмас...

– Опа, пулингиз бўлса, минг сўм бериб туринг...

Одатдагидан бошқачароқ оҳангда айтилган бу сўзларни эшитиб, ёнимга қарадим. Озгингина, футболкасининг елкаси офтобда унққан, оёғида анча эскирган резина шиппак кийган, сочи ўсиб кетган, рангпаргина юзига ғам соя солган 16-17 ёшли йигитча қаршимда турарди. Шу пайтгача кўча-кўйда тиланчилик қилган эркагу аёлни кўрсам, уларнинг бу ишдан ранжиб, оёқ-қўли бут бўлатуриб шу ишни ўзига раво кўраётганликларидан асабийлашардим. Бу болакай эса негадир мени бир муддат тўхташга мажбур қилди.

– Минг сўм?..

Бу гапимга жавобан бола шоша-пиша қўлидаги елимхалтани очди. Ичида икки қутида қандайдир дори, шприцлар ва бир-икки таблеткалар бор эди.

– Энам касал, ишлаб топган бор пулимга дори олдим, ҳозир касалхонага боришим керак. Тезроқ бормасам бўлмайди. Хайдовчиларга ёси аялиндим, камроқ пулга олиб кетишмаяпти. Шунга йўлира учун... агар бўлса...

Боланинг кўзида ёш айлана бошлади.

– Энанг қайси касалхонада ётибди, ўғлим?



У манзилни айтди. Яна бир-икки савол бериб, унинг исмини, қаерлик эканини билиб олдим. Сўнг:

– Агар хафа бўлмасанг, касалхонага бирга борсак бўладими? Йўлда ул-бул егулик ҳам олардик. Ўзи мениям ўша тарафларда ишим бор эди. Нима дейсан? – дедим.

Бола тасдиқ маъносида бош ирғади. Бироздан сўнг таксига ўтириб йўлга тушди.

– Мениям сен тенгкўр ўғлим бор, – дедим у ҳақда янада кўпроқ билиш

сигмади...

Боланинг бувисини кўриб, ортимизга қайтганимизда, кун пешиндан оққан эди. Тамаддихона ёнидан ўтаётганимизда, бола ёқимли ҳид келаётган тарафга тез-тез қараб кўйди.

– Қорнинг очми, у-бу нарса ейсанми? – дедим.

– Йўқ... – деди бола паст товушда ва негадир бошини эгиб олди...

Қорни тўйиб, юзига қизиллик юрганида, бола ўзини анча эркин тута бошлаган эди. Мен ҳам у ҳақда кўпроқ

“ Шу пайтгача кўча-кўйда тиланчилик қилган эркагу аёлни кўрсам, уларнинг бу ишдан ранжиб, оёқ-қўли бут бўлатуриб шу ишни ўзига раво кўраётганликларидан асабийлашардим. Бу болакай эса негадир мени бир муддат тўхташга мажбур қилди. ”

истагида гап бошлаб. Аммо шу гапни айтдим-у, уни камситиб қўйганимни ҳис қилдим. Егуликлар солинган халтанинг бандини маҳкам қисиб қўйганидан сездим буни. Бошқа гапиришга ҳаддим

билиб олдим.

Бола саккиз ёшлигида ота-онаси ажрашиб кетибди. Опасини онаси ўзи билан олиб кетибди. Дадаси шу пайтгача икки марта уйланибди. Аммо

унинг ичкиликка ружу қўйиши оқибатида иккала турмуш ҳам узоққа чўзилмабди. Ёши етмишдан ошаётган буви тақдири келишмаган ўғли ва онасиз ўсаётган набирасини ўйлаб қанд касалига йўлиқибди. Бунинг устига қон босими ҳам тез-тез кўтарилиб тураркан.

Хуллас, авваллари мардикор ишлаб рўзгорни тебратган буви ҳозир ётиб қолган бемор, оғир ишга ярамайди. Ота эса ичкиликсиз туrolмайди, уйда ҳар куни жанжал, у ҳатто туққан онасигаям қўл кўтараркан. Баъзан икки-уч кунлаб йўқ бўлиб кетаркан. Уйдаги ҳамма нарсани ароққа алишиб бўлибди. Уйда фақат икки-уч кир кўрпача-ю, чети учган коса-товоқ қолибди, холос...

– Катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан? Қайсидир касбга ё хунарга қизиқшинг борми? – сўрадим боладан суҳбат орасида.

– Катта бўлсамми... – бола ўйланиб қолди. Табиийки, у бу ҳақда хотиржам ўйлаб кўрмаган, ўйлашга имкони ҳам бўлмаган. Худди қирқ ёшлардаги одамдек нигоҳларини бир нуқтага тиккан болани жим кузатдим. Хира ўйлари орасидан ўзи бир ёруғлик қидириб топишини истадим. У ниҳоят жавоб топди:

– Катта бўлсам, яхши одам бўламан! Энамга кўп пул топиб, олиб келиб берман. Ўшанда... сизниям бу яхшилигингизни қайтараман...

– Келишдик...

Бор-йўғи шу. Аммо шу ярим кун ичида бўлиб ўтган воқеа мени бошқа бир оламга олиб бориб қўйгандек бўлди. Ёнгинамизда яна қанча у каби болалар бор экан-а? Уларнинг ҳаммасиям катта бўлганида, яхши одам бўлиши дилига тугиб қўйдиммикан? Ёки ҳаётнинг қутилмаган зарбаларидан зада бўлиб, ўзини қоронги бурчакларга уряаптимикан-а? Сиз нима дейсиз, замондош?..

Шахло ТОШБЕКОВА.

VATAN TAQDIRI

bugungi yoshlarning kamol topishiga bog‘liq

Ўзбекистон – ёшлар мамлаки. Кейинги пайтларда бу жумла жуда кўп тилга олинмоқда ва бу бежиз эмас. Чунки ҳар қандай давлатнинг тараққиёт йўли ёшлар таълим-тарбияси билан бевосита боғлиқ. Аҳолининг 30 фоизини 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қиладиган Ўзбекистонда ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани ҳам шундан.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли ҳикмати нақадар буюк ҳақиқат эканини, айниқса, бугунги ҳаётимизда яхши англаяпмиз. Сабаби, глобаллашув жараёни ортидан юзга келган диний экстремизм ва терроризм, “оммавий маданият” каби иллатлар ёшлар маънавиятига ҳар қадамда таҳдид солиб турибди. Ушбу таҳдидлардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда маънавият, таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислохотлар олиб боришмоқда.

Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги сайёҳаракатларни тизимли асосда йўлга қўйиш мақсадида илгари сурилган 5

та муҳим ташаббус ҳам айнан ёшлар таълим-тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу эзгу ғоя халқимиз, айниқса, ёшлар томонидан бир овоздан кўллаб-қувватланди ва қисқа вақт ичида мамлакат бўйлаб кенг қулоқ ёзди.

Тилни ноҳўя ишлатиш ҳалокатга, қўлни ноҳўя ишлатиш эса жиноятга йўлиқтиради деганларидек, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ҳам муҳим вазифа қилиб белги-ланган. Чунки ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар умумий жиноятларнинг 25 фоизини ташкил этмоқда.

Конституциямизнинг 64-моддасида ота-она ўз фарзандлари тарбиясига масъуллик кўрсатилган. Аммо сўнгги пайтларда ота-оналар орасида фарзандининг таълим-тарбиясига

бефарқ бўлган ва бу вазифани ўқув муассасалари зиммасига юклаётганлар кўпаймоқда. Вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ота-оналарнинг иштироки таҳлил қилинганда, ота-оналарнинг 40 фоиздан ортиги фарзандлари тарбиясига эътиборсиз экани, қарийб 50 фоиз бола-лар оиласидан етарли даражада тарбия олмаётгани аниқланди.

Албатта, аксарият жиноятларнинг содир бўлишига беқорчилик, эътиборга муҳтожлик ва ҳуқуқий саводхонликнинг пастлиги сабаб бўлаётди. Муаммога ечим топиш мақсадида тегишли идоралар ҳамкорликда ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий онги ва маънавияти, маданиятини юксалтиришга қаратилган сайёҳаракатлар кун сайин кучайтирилмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар сабаб, ёшлар жиноятчилик 39 фоизга камайган. Лекин бундай жиноятлар эртага мамлакат ва халқ тақдири ишони топшириладиган келажакимиз эгалари ҳисобланмиш

Тилни ноҳўя ишлатиш ҳалокатга, қўлни ноҳўя ишлатиш эса жиноятга йўлиқтиради деганларидек, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ҳам муҳим вазифа қилиб белги-ланган. Чунки ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар умумий жиноятларнинг 25 фоизини ташкил этмоқда.

ёшлар томонидан содир этилаётганини ҳисобга олсак, унинг бир фоизи ҳам кўп.

Президентимиз ўтган йилнинг 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан бўлган учрашувда глобаллашув шароитидаги хавф-хатарлар ва мафкуравий хуружлар ҳақида гапириб, маърифатпарвар бобомиз Фитратнинг “Бу дунё кураш майдонидир. Соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоққа асосланган қироллик”, деган ҳикматини келтириб, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларига кўрсатмалар берган эди ҳамда “Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қурамиз. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади”, – дея таъкидлаганди.

Хулоса қилиб айтганда, шу юрт, шу халқ келажагига ўзини масъул, дахлдор деб билган ҳар бир инсон ёшлар таълим-тарбияси, маънавиятига беъэтибор бўлишга ҳақиқий йўқ. Чунки вазан келажаги, тақдири бугунги ёшларнинг камол топишига боғлиқ.

Машҳураҳон ХОЛИҚОВА,
Асака туманидаги
37-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси.

Dilmurod DILMURODOV:

“AGAR XALQ TA'LIMI TIZIMIDA RAHBAR BO'LGANIMDA...”

Маргилонлик тенгдошим Дилмурод Дилмуродовнинг мактабни олтин медаль билан тамомлагани ҳақида эшитиб, жуда қувондим. Албатта, бу натижага эришиш учун анчагина меҳнат қилинган, тер тўкилган. Асосийси, яхши ниятлар ва ҳаракатлар ўз самарасини берганида...

Дилмурод беш ёшдан ўқишни ва ёзишни ўрганиб, илк кундаёқ синфида пешқадам ўқувчига айланди. Дастлаб, она тилига бўлган қизиқиши юқорилаб, кўпроқ шеърлар ёдлади. Мактабда ўтказилган бир тадбирда инглиз тилида шеър айтдию чет тилига меҳри тушди. Шу-шу тил ўрганишга киришди. Ҳаракатлари бесамар кетмай “Билимлар беллашуви” ҳамда “Фан олимпиадаси”нинг туман, вилоят босқичларида голиб бўлди. Инглиз тили фанидан Россияда ўтказилган “Clever” халқаро онлайн олимпиадасида биринчи ўринни эгаллади. Олтин медаль билан қутлаш баҳона Дилмуродни сўхбатга тордик.

— Дилмурод, медаль муборак бўлсин! Сизнингча, Олтин медаль берилиши бўйича қабул қилинган тартиблар асосида бу унвонга ҳамма совриндорлар ҳам лойиқми?

— Албатта, таълим соҳасида энг катта ислохотлардан бири бу — 11 йиллик таълим тизимига қайтиш бўлди, назаримда. Айниқса, иқтидорли битирувчилар учун олтин ва кумуш медалларнинг таъсис этилиши биз учун, қутилмаган воқеа бўлди. Олтин медаль олиш учун низом бўйича ўқувчидан 9-синфни битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаходатномаси бўлиши, 10-11-синфларида барча фанлар бўйича яқиний назоратлар, чораклик ва йиллик баҳолари аъло бўлиши керак бўлади. Лекин мантиқан ўйлаб қараганда, бир ўқувчи учун умумтаълим мактабда ўқитиладиган 23 та фаннинг барчасини 86 фоиз ва ундан юқори даражада ўзлаштиришнинг деярли иложи йўқ. Ҳамма медалчилар низомдаги талабга мос келади, фақат “қоғоз”да. Мен ҳам ўзимни низомдаги талабга мос деб ўйламайман, лекин олтин медалга муносиб деб ҳисоблайман. Шаҳримиздан бу йил олтин медалга 3 нафар ўқувчи сазовор бўлган бўлса, ҳеч биримизга 3000 га яқин битирувчилар орасидан са-



раланиб чиқиш осон бўлгани йўқ. Немис тили, аниқ ва табиий фанлар бўйича шахримизнинг энг кучли ўқувчиси, дўстим Муҳаммадюсуф Курбонов ҳамда рус тили фани бўйича вилоятда ўз ўрнига эга Комила Шухратжоновалар муносиб эди. Бизга олтин медаль 23 та фанни барчасини 86 фоиз ва ундан юқори ўзлаштиганимиз учун эмас, бир нечта мактаб фанларини чуқур ўзлаштириб, қолган фанларни тенгдошларимизга нисбатан яхшироқ ўзлаштирилганимиз учун берилган, деб ҳисоблайман.

— Журналистика соҳасига қизиқар экансиз. Украина матбуотида мақолангиз чиққан экан. Хўш, бугунги интернет журналистикаси ҳақида қандай фикрдасиз?

— Тўғри, журналистика соҳасига қизиқишим юқори. Бу соҳа бўйича бир нечта маҳаллий ва халқаро журналларда ҳам мақолалар чиқарганман. UNICEF халқаро болалар фонди томонидан ўтказилган маҳорат дарсларида ҳамда халқаро журналист Навбахор Имомовадан ҳам журналистик материаллар қандай тайёрланиши ва хабарларни қандай сара-

лашни ўрганганман. Шундай халқаро даражадаги семинарларда қатнашган бўлсам ҳам ҳозиргача телеграм каналимга ёзаётганимда етти ўлчаб, бир кесаман. Мен учун тезкорлик иккинчи ўринда, энг муҳими эса бу аниқ маълумот. Ҳозирги кундаги ўзини блогер деб ҳисоблайдиган кўплаб ёшларга келадиган бўлсақ, уларга ҳеч қандай қаршиликим йўқ. Лекин ҳар бир маълумотни тарқатаётганда уни ишончли эканлигини текширишлари, плагиатизмга йўл қўймайликларини, манбаларни ўчириб, ўзларининг номига ўзлаштиришларига умуман қаршиман.

— Мисол учун халқ таълими тизимида раҳбар бўлганингизда қандай ислохотлар қилган бўлардингиз?

— Таълим соҳасига қанча кўп инвестиция киритилса у ўз самарасини беради, фақат у тўғри мақсадда бўлса, албатта. Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда мактабларимизнинг аҳоли орасидаги обрўси анча тушган. Бунинг асосий сабаби — мактабларда малакали кадрлар етишмаслиги ҳамда репетиторларга бўлган қизиқишнинг йил сайин ортиб бориши, деб ўйлайман. Кўплаб малакали кадрлар бор, лекин улар макта-

бларда ишламайди, улар репетиторлик билан шуғулланишни афзал кўришади. Олтин ва кумуш медалларга имтиёз мактабларнинг обрўсини оз бўлса-да кўтарилишига олиб келган бўларди, лекин бундай бўладиган бўлса, бизни “коррупция” деган бало кутиб турибди. Агар мен ушбу тизимда раҳбар лавозимида фаолият юритганимда энг катта эътиборни мактабдаги кадрлар масаласига ҳамда мактабларнинг аҳоли қай даражада, уларнинг шароитлари қандайлигига қизиқар эдим. Бундан ташқари, ҳар бир фан бўйича мактаб ўқувчилари орасидан иқтидорлиларни саралаб, улар учун мулоқот майдонини яратган бўлар эдим.

— Сизнингча, репетиторга бормаган ўқувчи талаба бўла оладими?

— Ҳозирги пайтда репетиторга бормаган боланинг ўқишга кира олиш эҳтимоли жуда кам. Бу кириш имтиҳонларининг мураккаблиги учун эмас, мактаблардаги таълим сифатининг юқори эмаслигида. Ёки ўқитувчи дарс ўтмоқчи бўлганида, унга дарс ўтишга қўймаймиз, ёки биз қанча хоҳласак ҳам ўқитувчи биз хоҳлаган билимини бера олмайди. Бир репетиторни биламан, аввал мактабда ишлаган. Унинг ўқувчилари дарсларини яхши кўрар эди, мактаб у хоҳлагандек шароит қилиб бера олмайди, натижада у репетиторлик қила бошлади. Нима демоқчиман, мен репетиторликка қарши эмасман. Ўзим ҳам репетиторга бораман. Лекин қанчонгача бу давом эттиши керак? Бу саволлар очик қолмоқда...

— Дилмурод Дилмуродовни яна 10 йилдан кейин қандай тасаввур қилайлик?

— Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси бўлишни кўзлаганман. 4 йил бакалавр ва 2 йил магистратурада ўқиш ниятим бор. Бундан ташқари, яна 3 йил докторантурада ҳам таълим олмоқчиман. Докторантура тамомлаб, номзодлик диссертациямни ёқлаганимдан сўнг, бир йил халқаро иқтисодиёт бўйича иккинчи мутахассисликда таълим оламан. Демак, мен ўзимни 2030 йилда халқаро ҳуқуқшунос, халқаро иқтисодчи, юридик фанлари номзоди тизимда тасаввур қиламан. Бундан ташқари, 2029 йилги Парламентга бўладиган сайловларда қатнашиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси бўлиш ҳам ниятим бор. Мақсадларим улкан, ҳаракатларим ҳам шунга яраша.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ сўхбатлашди.

Fikrlashimni o'zgartirgan kitob

Эсимда, бадий асарлар ўқишга қизиқа бошлаганимда 7-синфнинг биринчи чораги эди. Қўлимга бир китоб тушди бу китоб мени ўзига шундай тортардики уни очиб ўқимасдан тортолмасдим, ҳа у ҳаммага таниш бўлган Пауло Каэлионинг «Ал-Кимёгар» асари эди.

Асарда инсон салоҳияти, иродаси билан нималарга эришиши мумкинлиги, ҳаётда эгоизм, меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, оптимизм каби хусусиятлар қанчалик муҳимлиги ҳақида гап боради. Асардаги воқеалар, қарама-қаршилик характери аста-секинлик билан менга таъсир ўтказа

бошлади. Китобни ўқиб туриб ҳаётдаги вақтимни янада қадрлаб, ишимни яхши бажара бошладим. Китоб менга ҳаётда нималарга эришиш учун мотивация бера олди, бирор нарсасга эришиш учун фақат ва фақат катта меҳнат ва иштиёқ кераклигини тушинтирди. Ҳаётда доим билган, лекин аниқ ифода эта олмаган нарсаларимни бир сўз остида тушиниш имкониятига эга бўлдим.

Андалудаги оддий чўпон Сантьяго ҳаётида содир бўлган воқеаларни кўриб худди ўзимни ҳаётимни кўргандай бўлар, ҳаётда кейинги қадамни ташлашга янада иштиёқим ортиб борарди. Асардаги ҳар бир гўзал иборани эвернотега (телефонларда блокнот ёки кундалик вазифасини бажарувчи дастур) ёзиб

борардим. Ҳали бирор китоб ўқиб бунчалик кўп доно ибораларни қайд этиб қўймагандим. Ўзлигини англаш учун асар қарамоғининг дунёни бутунлай бошқа бурчачига бориб ўзлигини излаши, ҳаётда имкониятлар қадамба-қадам очилиб бориши ҳаётимдаги кўплаб масалаларда кўзимни очди.

Китобда юрагини эшитишни ўрганган Сантьяго орзуси сари дадил қадам ташлайди, бу қадам ҳаётда унга таваккал қилишни, бир босқичда қотиб қолмаслигини, «шахсий афсонаси» сари одимлашни ўргатади. «Шахсий афсона» бу кўнглимиз тубида доим орзу қилган хоҳлаган нарсамиздир. Ҳаётда ҳақиқий бахтга эришиш учун уни амалга оширишимиз шарт. Шундагина ҳаётимиз мазмунли бўлади: «Сен

йўлингда ҳар бир ўрганган нарсанг, ҳаракатинг мазмунга эга бўлиши учун албатта излаган хазинангни топишинг керак».

Мен учун китобдаги энг таъсирли иборалардан айнан бири шу бўлди: “Бизнинг сайёраимизда буюк ҳақиқат барқарор: агар сиз чиндан ниманидир орзу қилсангиз, унга албатта эришасиз. Зотан, бу орзу Олам Қалбида ҳам туғилади ва айни шунинг ўзи сизнинг Ерда мавжудлигингиз тасдиғи, сизнинг тақдирингиздир”. Бу китоб бизга айнан шунини ўргатади. Китобни ўқиб туриб ҳаётда имконсиз нарсанинг ўзи йўқлигини, ҳамма нарса ўз қўлимда эканлигини тушунадим.

Хумора МУҲАММАДЖОНОВА, Ғўронтёпа туманидаги 39-умумтаълим мактаби ўқувчиси.

BILIMDON VA JASUR BOLALARNI TARBIYALAYLIK

Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи "Ўзбек болалар адабиёти олтин фондидан" сериясида Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг "Кувноқ-кувнок болалар" китобини чоп этди.

"Болага гўдаклигидан китоб ўқиб бериб, шеър ёдлатилмаса, боғча ва мактабда бу жараён узвий давом этмаса, олий ўқув юртида энг алломаси ҳам уни гўзал адабиёт оламига, нафосатга, маънавият ва тафаккурга ошно қилолмайди. Анвар Обиджон ўзбек болалар адабиётига бутунлай янгича руҳ ва оҳанг олиб кирди. Тўғри, болалар шеърятининг тили катталар адабиётидан фарқлироқ, содда, раvon ва ўйноқроқ бўлиши керак. Лекин уни жўнлаштириб, сунъий равишда соддалаштириш мумкин эмас. Анвар Обиджонгача бўлган ўзбек болалар адабиётининг фожиаси шунда. Анвар Обиджон шу тамойилдан воз кечди, унинг адабиётга олиб кирган янгилиги шундаки, унинг асарлари хоҳ назмда, хоҳ насрда бўлсин – болани фикрлашга, мушоҳада қилишга ундайди. Шоирнинг турли ёшдаги кичкинтойларга бағишланган барча шеърларидаги раvonлик ва соддаликнинг замирида кучли тафаккур бор. Анвар Обиджон жаҳон болалар адабиёти билан бўйлашадиган, баҳслашадиган, ўзбекона кадрятларни шеърга солганида улардан ўтадиган асарлар яратди. Ҳозирча ўзининг ҳақиқий баҳосини олгани йўқ, лекин вақти келиб, у яратган янги болалар адабиёти албатта тан олинади", деган эди 1987 йилда жаҳон адабиётининг катта билимдони, узок йиллар ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида талабаларга таълим берган беназир устозимиз Талъат Солихов...

Анвар Обиджон ўйинқароқ болаларни фикрлашга ўргатадиган, бош ўзаги буюк ватанпарварлик ва миллий ўзлик бўлган, асл эстетик вазифаларга эга янги ифода йўлини танлади. Давр тазйиқларига, синовларига бардош берадиган адабиёт яратди. Боласига идрок ва юртпарварлик илмини ўргатадиган ҳар қандай миллий адабиёт жаҳон адабиётининг ажралмас қисми сифатида дунё ҳамжамиятида яшаб қолиши мумкинлигини исботлади. Моҳир сўз санъаткори сифатида жамиятнинг ҳар бир дарди ва муаммосининг бадий ифодасига муносиб, болани ўзига торта оладиган даражада завқли ва ҳозиржавоб янги шакл топиш йўлини танлади.

Шоир ижодиди она тили ва она юрт мавзуси эгизак тушунчаларга айланиб, шеърдан-шеърга мукамаллашиб борди. Зеро, биз билиб-билмаган дунё узлуксиз ўсиш-ўзгартиш жараёнидан, ҳаёт эса туйғулар, гоёлар курашидан

иборатдир. Ижодкор жамият ва инсоният олдидаги бурчини қалб тубидан ҳис қилгандагина ўзини тўлқинлантирган ҳодисаларни ўзгаларга ҳам етказиш истаги эҳтиёжга айланади. Ана шу эҳтиёж туғенида чуқур ватанпарварлик руҳи билан сугорилган жозиб сатрлар дунёга келади. Шоир "Пақирга ёзилган шеър"ида шундай дейди:

**Шўнғиётиб қудуққа
Аста алик оласан.**

**Барига сув улашиб,
Ўзинг қуруқ қоласан.**

Юзаки қараганда, бу сатрлар шоирнинг турли буюмларга атаб ёзган туркумидаги оддий тўртлик. Лекин ижтимоий моҳият-чи?

Ёки "Дарвозага ёзилган шеър"ида шоир:

**Хушёрроқ бўл, Гоҳида-
Ишлатиб тур тамбани.
Покиза бу ҳовлига
Қўяверма ҳаммани – дейди.**

"Тандирга ёзилган шеър"ида шоир:
**Нон пишриб тинмайсан,
Аммо ўзинг емайсан-
деб ўқинади.** Кутилмаган ҳаётий де-

чуқур фалсафага эга.

Шеър орқали боланинг тили тезроқ чиқишига, сўз бойлиги кўпайиб, дунёқароши, билим доираси кенгайишига қайта-қайта гувоҳ бўлганмиз. Яна, фарзанди билан бирга бу шеърларни ўқиган ёш ота-оналарда бола тарбияси ҳақидаги та-савурлари кенгайиб, ҳар қандай кичик воқеадан ибратли хулоса чиқариш қобилияти шаклланиб боради.

Шоирнинг "Тилла кўнғизнинг жавоби" деган ажойиб шеъри бор. "Сен нега гапирмайсан, фақат гўнғиллайсан?", деган савол Тиллақўнғизни қайғуга солади. Унинг сўйлашича, бир замонда ноҳиятада хушовоз бўлган Тиллақўнғиз ўз юртида тинчгина кўшиқ айтиб юрганда, кутилмаганда мудҳиш ҳодиса рўй беради. Душман Чигирткалар тўп-тўп бўлиб келиб, унинг она масканини босиб олишади:

**Бор нарсани ямлашиб,
Улар роса яйрашди.**

**Дўқ уришди ўрган деб
Чигирткадек сайрашди.**

**Ёлғиз, ноҳор бўлсан ҳам,
Қўшилмадим мен ёвга,
Секингина ўзимни
Солиб олдим соқовга.**



таллар шеърга жон бағишлайди. Шоир биз унчалик эътибор бермайдиган, оддий буюмлар деб биладиган Пақир, Дарвоза, Тандир образларидан ўткир кўз, нозик идрок ва маҳорат билан фойдаланган. Юртимизнинг яқин ўтмишдаги аянчли тақдир, ярим дунёни газ билан таъминлаб, ўзи гўзалояга ёлчимаган ўзбек халқининг кечинмалари, ички изтироблари – шоирнинг буюк армони. Шунинг учун ҳам у куюниб "Покиза бу ҳовли" – муқаддас юртимизга ҳаммани ҳам киритавериш шарт эмаслигини ўқувчига ўқитмоқчи бўлади. Бу шеърлар шаклан қанчалар содда, раvon ва мухтасар бўлса, моҳиятан шу қадар пурҳикмат,

Бу шеър ҳали ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши мумкинлиги тушимизга ҳам кирмаган 1980 йили ёзилган. Собиқ Шўро тузumi томонидан руслаштириш сиёсати очик тус олган ўша йилларда бундай қалтис мавзуда шеър ёзиш ҳақиқий жасорат эди. Шоир ўз туйғулари, қалбига тинимсиз оғрик бераётган армон дардларини Тиллақўнғизнинг изтироблари орқали ифодалайди. Аслида Тиллақўнғиз тақдирини яқин ўтмишдаги улғувор халқнинг бир фожиасидир. Шоир Тиллақўнғиз тимсоли орқали энг нодир миллий бойлиги – тили топталган халқнинг қалб яраларини кўради, фарёд чекади. Ўз тилини қўйиб, ўза тилда сўйлаётган, шафқатсиз Чигирткаларга

жўровоз бўлиб сайраётган, ўзлигини хўрлаётган кўрнамаклардан нафратланади... ҳамда уларга раҳми келади.

Нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиёти мезонларидан қаралганда ҳам, Анвар Обиджоннинг ноёб истеъдоди болалар адабиётининг жанр имкониятларини кенгайтиришга ва бойитишга хизмат қилаётганлиги ҳақиқат. Унинг кўп йиллик изланишлари, кашфиётлари ва топилмалари янги авлод ижодкорлари учун мактаб вазифасини ўтапти ва яна узок йиллар шундай бўлиб қолади. Анвар Обиджон ижоди анъанавий болалар адабиётини янги ўзанга буриб юборди, унинг шеърлари раvon, жонли ва содда тилда ёзилганлиги, турли қўчиримлар, рамзлар, романтик бўёқларга бойлиги, юмористик руҳнинг жозиблиги, китобхон қалбига юкшўққлиги билан ажралиб туради.

Анвар Обиджон ижодини чуқурроқ таҳлил қилишга уринсак, унинг маънавий-маърифий фалсафаси нақадар юксак эканлигини ҳис қиламиз. У ёш авлодни мудом ватанини севиш ва қадрлашга, буюк аждодлар билан фахрланишга, нодонлик, жаҳолат каби иллатлардан узокроқ бўлишга даъват этади. Шоирнинг тарих, ватан ва миллий ўзлик ҳақидаги асарлари ёшларимизни доимо огоҳ бўлишга ундайди, уларнинг онгу шуурига фидойилик, садоқат туйғуларини синдиради, тафаккурини нурлантиради, уларнинг навқирон, руҳиятини турли салбий нуқсонлардан асрайди. Унинг юрт эрки ҳақидаги фалсафий теран шеърлари замоннинг қалбига ватанпарварлик муҳрини босди. Шоир олам ва одамни, Ватан ва тарихни, инсон ва табиатни, бола ва дунёни бир бутунликда тасвирлайди. Табарруқ тупроқ ва она юрт тўғрисида бу қадар орифона жўшқин қалб билан асарлар яратиш учун адибада чуқур заковат ва ватанпарварлик туйғуси бўлиши шарт.

Ўзбекистон халқ шоири, "Фидокорона хизматлари учун" ордени совриндори, серқирра истеъдод соҳиби Анвар Обиджон асарларининг меҳриғиёси бор. Унинг шифобахшлик қувватини, кудратини бир марта ҳис қилсангиз бўлди, бир умр унинг таъсир доирасидан чиқолмайсиз. Бу туйғу сизнинг ва фарзандингизнинг кўнглига ёқади, қалбингизни мудом поклаб, яхшилик ва эзуликларга ундагувчи, руҳиятингизни осмонларга кўтаргувчи юксаклигидир.

**Хулқар ҲАМРОЕВА,
Ўзбекистон давлат хореография академияси катта ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди.**

Oila va jamiyat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилали қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08


E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 736. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 1455. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусахҳачи: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. 123 5